

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК

Болибеков Шербек Набижонович

“Базель қумитасининг банк назоратига оид талабларни
Ўзбекистон банк амалиётида қўллаш имкониятлари
(Миллийбанк мисолида)”

5A230701 «Банк иши»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар
и.ф.н., Дж. Х. Муҳиддинов

САМАРҚАНД – 2014 й.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 5A230701 - «Банк иши» таълим йўналиши Болибеков Шербекнинг «Базель кумитасининг банк назоратига онд талабларни Ўзбекистон амалиётида қуллаш имкониятлари. (Миллийбанк мисолида) магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертациясига берилган

Ички такриз.

Базель кумитасининг асосий талаблари тижорат банкининг капитални етарлик даражасига жавоб берилиши ҳисобланади. Ушбунини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан янада оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу масалани мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Магистрлик диссертациясида Базель кумитасининг биринчи ва иккинчи этапларда қўйилган талабларни ҳозирдаги банк тизимида фойдаланилаётганини таҳлил қилинган.

Магистрлик диссертациясида қўйидаги масалаларни кўриб чиқилган: Базель кумитасининг пайдо булиши асосий вазифалари ва мақсадлари, Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назоратини ташкил қилиш принциплари, Базель кумитаси тижорат банкларни капиталга нисбатан урнатилган етарлик даражаси бўйича нормативлари, Базель III талабларни Ўзбекистон банк амалиётида жорий қилиш вақтида пайдо бўлиши мумкин муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш борасида таклифлар берилган.

Базель III концепсиясида буфер капитал, контрциклик капитал, тижорат банкларнинг кредит, операцион ва бозор рискинни олдинни олиш бўйича олиб борилиши лозим бўлган сиёсатга ўрнатилаётган талаблар қуйилган. Ушбу сиёсатларни Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклар томонидан риоя қилишни талаб қилиш пайтда пайдо бўлиши мумкин муаммоларни таҳлил қилинган ва ушбу масала бўйича айрим таклифлар берилган.


Тизимли иқтисодий таназул даврида банк тизимидаги зарарларни қоплаш мақсадида консервация буфер капитал ва тесқари ҳолатда ортиқча кредит фаоллигини олдинни олиш мақсадида контрциклик буфер капитал ташкил қилинади. Буферларни миқдори хатарларни ҳисобга олинган активларни қаттиқ ўрнатилмаган қисмини ташкил қилади.

Магистрлик диссертация ишининг тузилмаси ҳамда улардаги масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши талаб доирасида. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, олинган натижалар тизимли тарзда ифодаланган ва тегишли хулосалар қилинган.

Шу билан бир қаторда ишда мавжуд бўлган маълум камчиликлар эътироф этилиши зарур. Хусусан, ишда таклиф этилган тавсияларни бевосита банк фаолиятига жорий қилиниши кўплаб ташкилий ва молиявий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунга қарамадан қайд этилган камчилик ишнинг назарий ва амалий аҳамиятини пасайтирмайди. Магистрлик диссертация иши мустақил бажарилган, расмийлаштирилиши ва мазмуни жиҳатидан талабга жавоб беради ва ҳимояга тавсия этилади.

**Сам ИСИ Банк ва жамгарма иши
Кафедрасини мудир, и.ф.н.**



и.ф.н. З.Д.Ниёзов

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Банк тизимининг ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва баҳолашда қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартлар	9
1.1. Базель кумитасининг пайдо булиши асосий вазифалари ва мақсадлари.....	6
1.2. Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назоратини ташкил қилиш принциплари:.....	14
1.3. Базель кумитаси тижорат банкларни капиталга нисбатан ўрнатилган етарлик даражаси Бўйича нормативлари	23
Боб бўйича хулоса	
II боб. Базель кумитаси томонидан банк капиталига нисбатан ўрнатилган талаблар	
2.1. Базель кумитасининг талабларида тижорат банклари капиталини шакллантириш ва етарлилигини баҳолашнинг назарий асослари.....	35
2.2. Тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш манбалари ва уларнинг қиёсий тавсифи.....	37
2.3. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси.....	43
Боб бўйича хулоса	
III боб. Базель кумитасининг банк назоратига оид талабларни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари.	
3.1. Миллийбанк томонидан Базель кўмитаси томонидан капиталга нисбатан ўрнатилган талабларга риоя этилишини таҳлили.....	51
3.2. Базель кумитасининг III босқичда қўйилаётган талаблар.....	57
Боб бўйича хулоса	
Хулосалар	80
Адабиётлар рўйхати	84

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 5А230701 - «Банк иши» таълим йўналиши Болибеков Шербекнинг «Базель қўмитасининг банк назоратига оид талабларни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари. (Миллийбанк мисолида) магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертациясига берилган

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти бир нечта қилинган маърузаларда қайд қилинган "...биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор".

Болибеков Шербек томонидан бажарилган магистрлик диссертациясида қўйидаги масалларни кўриб чиқилган:

- Халқаро Базель қўмитасининг талабларини амалиётга тадбиқ этиш муаммолар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятига таъсир этилишини аниқлаш;

- тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш ва етарлилигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

- тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириш борасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш ва улардан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятида Базель қўмитасининг талабларини амалиётга жорий қилишда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш;


Олиб борилган тадқиқотлар натижасида магистрант Миллийбанк мисолида тўғри хулоса қилияптики, айрим тижорат банкларда қисқа муддатга жалб қилинган ресурсларни ўзоқ муддатдаги активларга жойлаштирилган. Лекин 30% жорий ликвидлик мейёрига нисбаттан ўрнатилган талабларга риоя қилинган. Ушбу рискли ҳолатини олдинни олиш мақсадида Базель III қабул қилишга тавсия қилинган 100% миқдордаги қисқа ва узок муддатли ликвидлик коэффицентларини Ўзбекистон банк тажрибасига ҳам босқичма босқич жорий қилиши лозим. Диссертант тўғри хулоса қилияптики тижорат банкларда активларни хатарга нисбаттан таснифлашда бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш масала унча мураккаб эмас. Шу сабабдан банк фаолиятини таҳлилида биринчи даражали капитални умумий миқдордаги активларга нисбатини Левераж кўрсаткичдан фойдаланиш лозим.

Магистрлик диссертация ишининг тузилмаси ҳамда улардаги масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши талаб доирасида. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, олинган натижалар тизимли тарзда ифодаланган ва тегишли хулосалар қилинган.

Шу билан бир қаторда ишда мавжуд бўлган маълум камчиликлар эътироф этилиши зарур. Хусусан, ишда таклиф этилган тавсияларни бевосита банк фаолиятига жорий қилиниши кўплаб ташкилий ва молиявий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунга қарамадан камчиликлар ишнинг назарий ва амалий аҳамиятини пасайтирмайди. Магистрлик диссертация иши мустақил бажарилган, расмийлаштирилиши ва мазмуни жиҳатидан талабга жавоб беради ва ҳимояга тавсия этилади.

ХОББ "Трастбанк" Самарқанд вилоят
филиалли бошқарувчиси:



А.Ш. Мусаев

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш масаласининг долзарблигини йўқотмаганлиги алоҳида таъкидланди: “...биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор”¹.

Айни вақтда, таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини янада оширишнинг ҳали ишга солинмаган захиралари мавжуд. Жумладан, мамлакат банк тизимининг капиталлашув даражаси халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий андозадан бирмунча паст. Агар 2014 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамият барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 57

республикасининг ялпи ички маҳсулот 119.0 трл.сўмни ташкил қилинган
ҳисобига, 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига республикада тижорат банклари
сони ва қўшимча маҳсулотга нисбатан салмоғи 5,4 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, ушбу
саноатчиликнинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун 8 фоиздан паст
саноатчиликни мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Базель қўмитасининг асосий
талаблари тижорат банкларининг капитални етарлиқ даражасига жавоб
қилиши ҳисобланади. Ушбуни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси
тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини миқдор ва сифат
ҳисобидан янада оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий
таҳқиқотларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу масалани мустақил
диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага
келтиради ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Халқаро Базель қўмитасининг талаблари кўпи ривожланган
мамлакатлар томонидан эътироф қилинган, хусусан Халқаро операцияларни
таъминлашга асос қилинган банклар томонидан. Базель III концепциясида буфер
капитал, контрциклик капитал, тижорат банкларнинг кредит, операция ва
зор рискни олдинни олиш бўйича олиб борилиши лозим бўлган
таҳқиқотга ўрнатилаётган талаблар қўйилган. Ушбу сиёсатларни Ўзбекистон
республикасидаги тижорат банклар томонидан риоя қилишни талаб қилиш
ҳисобидан пайдо бўлиши мумкин муаммоларни таҳлил қилиш ва ушбу
муаммо ҳал қилишда аниқ таклифлар бериш диссертацион мавзўсини долзарблигини
белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат
банкларининг назорат механизмида Базель қўмитасининг талабларни
риоя қилиш борасида ва хусусан капиталлаштириш муаммосининг назарий
таҳқиқот амалий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар —

А.Симановский, В.Усоскин, Д.Полфреман, Г.Белоглазова, Ж.Синки, О.Лаврушин, Э.Доланлар²нинг илмий ишларида ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятида Базель кўмитасининг талабларини жорий қилиш давомида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни илмий нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Халқаро Базель кўмитасининг талабларини амалиётга тадбиқ этиш муаммоларни аниқлаш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятига таъсир этилишини аниқлаш;

– тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш ва етарлилигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

– республикамиз тижорат банклари капиталлашиш даражасининг ўзгаришига хос тенденцияларни аниқлаш;

– тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириш борасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш ва улардан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятида Базель кўмитасининг талабларини амалиётга жорий қилишда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш;

² Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М., Ленинград, 1991. – 446 с., Финансы и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М., Юрайт-Издат, 2003. – 575 с., Банковское дело. Учебник. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 672 с.; Рид Э., Коттер Р. Коммерческие банки. Пер с англ. – М., Космополис, 1991. – 478 с. 47., Синки Дж. Управление финансами в коммерческом банке. М. Инфра, 1995. - 820 с.

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Базель талабларини тижорат банклари капиталини шакллантириш ва ошириш жараёнида ўрнатилган янги талабларни банк фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, молиявий коэффициентлар, операцион-қиймат усули ва бошқа тадқиқот усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

– тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолашнинг амалдаги услубиётларининг ижобий жиҳатларини ўзида акс эттирган баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди;

– республикамиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш йўли билан мазкур акцияларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, тижорат банкларининг узок муддатли ресурслари миқдорини ошириш, уларнинг биринчи даражали капитали миқдорини кўпайтириш таклифи асослаб берилди;

– мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг ўсиш суръатини уларнинг брутто активларининг ўсиш суръатидан орқада қолишига йўл қўймаслик учун тижорат банклари умумий капиталининг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш, зарур ҳолларда юқори рискли активларнинг миқдорини камайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;

– республикамиз тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини ошириш мақсадида капиталнинг таркибини Халқаро Базел кўмитасининг тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш бўйича белгилаган талабларига тўлиқ мувофиқ келишини таъминлаш ва тижорат банклари умумий капиталининг ўсиш суръатини ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан орқада қолишига йўл қўймаслик таклифи асослаб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари қўшимча капиталининг миқдорини ошириш мақсадида банкларнинг икки йилдан ортиқ муддатга эга бўлган субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш таклифи ишлаб чиқилди;

– девальвация захирасини банкларнинг тақсимланмаган фойдаси ва жорий йил фойдаси ҳисобидан воз кечиш таклиф қилинди.

Илмий янгилиги:

- Халқаро назорат кўмитасининг Базель III талабларининг хорижий банклар, хусусан Россия тижорат банкларига таъсир қилишни аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларнинг фаолиятига Базель III талабларининг амалда жорий қилиш вақтида пайдо бўлиши мумкин камчиликларни ва уларнинг банк фаолиятига таъсир қилишни аниқлаш;

– тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашнинг такомиллашган варианты ишлаб чиқилди;

- Халқаро талабларда тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит, бозор ва операцион рискларни олдинни олиш учун амалга ошириш лозим бўлган сиёсатини аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасининг динамикасига хос бўлган хусусиятлар аниқланди;

– тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириш борасидаги илғор тажрибалари умумлаштирилди ва улардан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– Ўзбекистон тижорат банклари капиталлашиш даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан ошириш борасидаги муаммоларнинг моҳияти очиб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг алоҳида илмий таклиф ва амалий тавсияларидан республикамизда Базель III талабларни амалиётга тадбиқ этишда пайдо бўлиши мумкин муаммоларни олдини олишда, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Магистрлик диссертация материалларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш”, “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш” каби ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши.

Диссертациясида келган хулоса ва таклифлар Ўзбекистондаги йирик тижорат банкларнинг фаолиятида фойдаланишга тавсия этилади

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 90 бетдан иборат бўлиб, 10 та жадвал ва 2 та расмни ўз ичига олади.

I-боб. Банк тизимининг ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва баҳолашда қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартлар

1.1. Базель қўмитасининг пайдо булиши асосий вазифалари ва мақсадлари

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг – банк назорати органларининг қўмитаси ҳисобланиб, 1975 йилда Ўнлик гуруҳи (G- 10) таркибига кирувчи мамлакатлар марказий банклари бошқарувчилари томонидан ташкил этилган. Ушбу қўмита таркибига Бельгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Нидерландия, Испания, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ давлатларининг марказий банк ва банк назорати органларининг вакиллари киради. Базель қўмитаси Швейцариянинг Базель шаҳридаги Халқаро ҳисоб-китоблар банки биносида жойлаштирилган.

Базел қўмитасининг асосий тамойиллари 1997 йил сентябр ойида Гонконгда бўлиб ўтган Халқаро Валюта Жамғармаси ва Жаҳон банкининг йиғилиши арафасида нашр этилди. Асосий тамойиллар Базел қўмитаси ҳамда бир қатор "10" лик гуруҳига кирмайдиган, жумладан, Чили, Хитой, Чехия, Гонконг, Мексика, Россия ва Таиланд давлатлари назорат органлари билан ўзаро фаол ҳамкорликда амалга оширилди. Ушбу ишда яна 8 та давлат, жумладан, Бразилия, Венгрия, Индонезия, Корея, Малайзия, Польша ва Сингапур бевосита иштирок этдилар.

Тижорат банклари фаолиятидаги рискларнинг чуқурлашиши, банклар фаолиятини тартибга солиш жараёнида янги тенденцияларнинг юзага келиши Базель қўмитасини банклар капиталини баҳолаш стандартига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини юзага келтирди. Натижада 2000 йилда Қўмита капитал етарлигини баҳолашнинг янги

тизимини маъқуллади (Базел-II). Ушбу стандарт капитални баҳолашга бўлган турли ёндошувларни ўз ичига олади:

- стандартлаштирилган рейтинг;
- ташқи рейтинг;
- ички рейтинг (IRB ёндошув).


Халқаро Базель стандарти бўйича тижорат банкларининг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим. Шу сабабли, Базель қўмитасининг талабига кўра асосий капиталнинг таркибига қуйидаги манбаларгина киритилиши лозим:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- банкнинг эмиссион даромади;
- захира капитали;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан

олинган тушум.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банкларнинг асосий капиталини етарли даражада шакллантиришда муаммоларнинг мавжудлиги (молия бозорларининг ривожланмаганлиги натижасида тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг фонд биржасида котировка қилинмаслиги, банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги туфайли соф фойда ва тақсимланмаган фойда миқдорининг камлиги, тижорат банклари акцияларига тўланаётган дивидендлар даражасининг пастлиги ва ҳ.к.) тижорат банклари капиталини шакллантиришда беқарор молиялаштириш манбаларидан ҳам фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда. Хусусан, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида девальвация захираси тижорат банкларининг асосий капитали таркибига киритилмоқда. Ҳолбуки, девальвация захираси беқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Ушбу захира миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрсизланиши натижасида

тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган хорижий валютадаги маблағлар ҳисобидан шаклланади.



Расм 1

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капитали ва брутто активлари, млрд. сўм.

1 расм маълумотларидан кўринадики, 2010-2014 йилларда республикада тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ҳам, брутто активлари миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу тенденция тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашдаги ролини ошириш, мамлакат банк тизимининг тўловга қобиллигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шуниси характерлики, таҳлил қилинган давр мобайнида регулятив капиталнинг ўсиш суръати брутто активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлди. Бу эса, банкларнинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. 2014 йилда брутто активларнинг ўсиш суръати 2010 йилга нисбатан 2,8 мартани ташкил этган бўлса,

гулятив капиталнинг ўсиш суръати мазкур даврда 2,0 мартани ташкил
лди.

Халқаро Базель қўмитасининг қўшимча капитал таркибини
аниқлаштириш тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида
қўллаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Чунки Ўзбекистон
республикаси тижорат банклари қўшимча капиталининг таркиби Базель
стандартида кўзда тутилган қўшимча капитал таркибидан деярли фарқ
қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг қўшимча капитали
таркибида Базель қўмитасининг стандартида кўзда тутилмаган жорий йил
қўйдаси мавжуд.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражасини ошиши натижасида
тижорат банкларининг капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига
нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш
ушун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган
кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва
қўлланганини лозим. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий
банк тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларининг йўл қўйиш
мумкин бўлган чегаравий даражасини 5% даражасида белгилаши ва унга
қўйиш қилиниши устидан назорат ўрнатиши лозим. 5% дейишимизнинг
асоси шундаки, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг
таҳлилига кўра, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто
кредитлар ҳажмидаги салмоғининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий
даражаси 5 фоизни ташкил қилиши лозим. Халқаро банк амалиётида ушбу
таҳлил меъёрий кўрсаткич сифатида қабул қилинган.

Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг
таркибини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган.
Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул,
ушунинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар
бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффицентлари бир-

бирдан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим. Фикримизча, капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шароит мавжуд эмас. Чунки ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

Проф. А.Симановскийнинг фикрига кўра, Базел кўмитаси томонидан таклиф қилинган кредит рискинни баҳолашнинг янги тартибини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки кредит рискиннинг табиий даражаси 100 фоизни ташкил қилади³.

Базел кўмитасининг кредит рискинни баҳолашнинг янги тартибига кўра, кредит рискиннинг максимал даражаси 150 фоизни ташкил қилади. А.Симановскийнинг фикрига кўра, кредитнинг юқори даражада рискка тортилиши капиталнинг адекватлилик даражасини сунъий даражада ошириш заруриятини юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатнинг ва мижознинг кредит рейтингига боғлиқ равишда кредит рискинни 150 фоизгача даражада баҳолаш кредит рейтинги нисбатан паст бўлган мамлакатларнинг ҳатто тўловга қобиллиги юқори бўлган мижозларининг кредит олиш имкониятини кескин пасайтиради.

Базел-II асосан тижорат банклари кредит бериш жараёнида ва умуман ҳар бир мижоз тўғрисида, айниқса йирик корпорациялар ва

³ Симановский А. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации // Деньги и кредит, 2000, №6.-с. 25.

холдинг компаниялар тўғрисида тўлиқ молиявий маълумотга эга бўлишни, келажакда юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлашни ҳамда шунга асосланган ҳолда капитал миқдорини шакллантиришни тақозо этади. Ушбу масала юзасидан конференцияда Нью-Йорк Федерал захира банкининг ҳамда ҳозирги вақтда Базел қўмитасининг раиси В.МакДоноу қуйидагиларни келтириб ўтди: «Капиталнинг етарлилиги тўғрисидаги янги келишув XXI асрнинг йирик халқаро банклари фаолияти истиқболига қаратилган ҳолда ўзгарувчан бўлиши ҳамда улар фаолиятининг характерига мос келиши лозим. Янги келишув асосан жуда ривожланган ҳамда мураккаб ташкилот ҳисобланувчи йирик халқаро банкларга нисбатан қўлланилиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ушбу йирик халқаро банклар халқаро капитал бозорида катта рақобатчилар ҳисобланиб, улар ўзида энг катта тизимли рискларни ҳосил қилиш салоҳиятига эгадирлар»⁴.

Шундай экан, Базел-III келишувини барча давлатларда бир хил амалиётга жорий этиш мумкин эмас. Шунинг учун ўтиш давридаги давлатларда Базел-III келишувига асосланиш вақти етиб келгани йўқ. Чунки бу давлатларда йирик халқаро банклар шаклланмаган»⁵.

1.2. Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган самарали банк назоратини ташкил қилиш принциплари:

Маълумки, 1980 йилларда халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитасининг 25 та асосий тамойиллари эълон қилинган эди. Ушбу тамойилларда самарали банк назоратини ташкил этиш асослари ёритилган.

⁴ Симановский А.Ю. «Банковский надзор: на пути к конфедерализму?»// Деньги и кредит, 2002, №12. – с.37.

⁵ Симановский А.Ю. «Банковский надзор: на пути к конфедерализму?»// Деньги и кредит, 2002, №12. –с.37.

Базель кўмитасининг талабларига асосан банклар барқарорлигини асосий кўрсаткичи, бу банк капитали етарлилиги коэффициенти қисобланади. Бу коэффициент банк капиталининг таваккалчиликка қаршилган активларга нисбати билан аниқланади. 1993 йилда банк капиталининг сифат ва миқдор жиҳатдан таваккалчиликли активлардан келадиган зараларни қоплашга етарлилик даражасини аниқлаш бўйича Базель келишуви (Базель I) жорий қилинган эди.

2006 йилда Базель келишуви (Базель II) амалиётга жорий қилинди. Ушбу келишувда ҳам капитал етарлилиги коэффициенти 8 фоиз қилиб белгиланди. Янги келишув 3 та – капитал минимал миқдорига талаб, капитал етарлигини Марказий банк томонидан таҳлил этиш. Маълумотларни кенг оммага эълон қилиш қисмларидан иборат.

Базель кўмитаси томонидан “Базель III” талаблари 2009 йилнинг сентябрь ойида эълон қилинди. Кўмитанинг 2009 йил 8-9 декабрдаги йиғилишида стандартлар ва мониторинг бўйича таклиф ва тавсиялар маъқулланди.

Жумладан, 2013 йил бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси **24,3** фоизни ташкил этди. Бу эса, Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан **3 баробар** юқоридир.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи қисобланган ликвидлик даражаси 2013 йилда ҳам **65** фоиздан юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ва ушбу кўрсаткичнинг талаб этиладиган минимал даражадан **2,2 баробар** ортиқлиги мамлакатимиз банк тизимининг мустаҳкамлигини ҳамда ҳар қандай ташқи ва ички салбий таъсирларга тўла бардош бера олишини тасдиқлайди.

Шунингдек, банклар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириш, таваккалчиликларни бошқаришга қаратилган қатор талабларнинг белгиланиши ҳам банкларнинг барқарор фаолият

юретишини таъминламоқда. Хусусан, банклар асосий ҳамда регулятив капиталнинг минимал даражасига ҳамда бир қароздор ёки ўзаро даҳлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасига нисбатан талабларнинг жорий қилиниши банклар капитални зарур миқдорда таъминлаш ва активларнинг таваккалчилик даражасини бошқариш учун самарали механизм бўлиб хизмат қилаётган бўлса, банкларнинг ликвидлик ҳолати бўйича минимал талабларнинг белгиланиши активлар ва мажбуриятларнинг ўзаро муносиб равишда бошқарилишини таъминламоқда.

1-принцип

Банк назоратининг самарали тизими банклар назоратига жалб этилган ҳар бир агентликнинг мажбуриятлари ва вазифаларини аниқ белгилайди. Ушбу агентликларнинг ҳар бири операция мустақилликка ва етарли даражада ресурсларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, банк назоратининг мақбул ҳуқуқий асосига эга бўлиш муҳимдир. Мазкур ҳуқуқий асос банкларга лицензия бериш ва уларни доимий назорат қилиш тўғрисидаги Низом; қонунларга риоя этиш ва муассасаларнинг хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлаш юзасидан ваколатлар; назорат органларининг ҳуқуқий ҳимояси масалаларини қамраб олган бўлиши лозим.

2-принцип

Банк сифатида лицензияланадиган ва назорат қилинадиган институтларнинг рухсат этилган фаолияти аниқ белгилаб қўйилган бўлиши, “банк” сўзининг ишлатилиши эса, имконият қадар жиддий назорат қилиниши лозим.

3-принцип

Банкларга лицензиялар бериш бўйича маъсул орган мезонларни аниқлаш ва ўрнатилган стандартларга жавоб бермайдиган таъсис аризаларини қайтариш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Лицензиялаш жараёни камида банк мулкнинг таркиби, директорлар ва юқори менежментни, унинг операцион режалари ва ички назоратни, шунингдек, унинг прогноз қилинаётган молиявий ҳолатини, ўз маблағларини ҳисобга олган ҳолда, баҳолашни қамраб олиши лозим; агар банкнинг эгаси ёки бош ташкилоти хорижий банк бўладиган бўлса, у ҳолда, хорижий давлат назорат органининг дастлабки розилиги олиниши лозим.

4- принцип

Банк назорати органлари фаолият юритаётган банклардаги мулк ҳуқуқи ёки акцияларнинг назорат пакетини бошқа томонларга бериш тўғрисидаги ҳар қандай таклифларни кўриб чиқиш ва рад этиш ваколатига эга бўлишлари шарт.

5-принцип

Банк назорати органлари банк томонидан йирик қўшилиш ёки инвестициялашни текшириш учун мезонлар ўрнатиш ва корпоратив харид ёки тузилмаларнинг банкни ҳаддан зиёд юқори рискка дучор қилмаслигини ёки самарали назоратга халал бермаслигини таъминлаш бўйича ваколатларга эга бўлиши лозим.

6-принцип

Банк назорати органлари банк томонидан қабул қилинадиган рискларни ўзида акс эттирадиган капиталнинг етарлилигига нисбатан ўрнатиладиган минимал талабларни белгилаши ва капитал таркибини, бунда унинг зарарларни қоплай олиш имкониятини назарда тутган ҳолда, аниқлаб бериш шарт. Халқаро операциялар билан фаол шуғулланувчи банклар учун мазкур талаблар капитал тўғрисидаги Базель келишуви талабларидан кам бўлмаслиги зарур.

Базель кумитасининг 6 тамойилига мувофиқ, банк назорати органи банк олган рискка мувофиқ бўлган минимал капитал ҳажмини ҳамда юзага келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда аниқ капитал таркибини белгилаб бериши лозим. Ушбу талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель кўмитаси томонидан 1988 йилда қабул қилинган “Капитални ўлчаш ва унга бўлган талаблар ҳақида халқаро келишуви” асосида тижорат банклари капитали етарлилигига талаблар низомини ишлаб чиқиб, унда капитални етарлилик даражаси аниқ бир банк фаолиятидаги риск даражаси мавсифидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган, умумий капиталнинг асосий элементлари ва мезонлари белгилаб берилган.

7-принцип

Ҳар қандай назорат тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, банкнинг кредитлар бериш, инвестициялаш ҳамда кредит ва инвестиция портфелларини жорий бошқариш сиёсати, амалиёти ва жараёнларини ҳолисона баҳолаш ҳисобланади.

Кредит риклилигини бошқаришга тегишли бўлган пруденциал меъёрларга тўхталадиган бўлсак, Базель кўмитасининг 7 тамойилида таъкидлаб ўтилганидек, кредит бериш ва инвестиция қилиш ҳар бир банк кенгаши томонидан қабул қилинган пруденциал андозалар асосида объектив ва рационал усул билан амалга оширилиши лозим. Базель тамойилининг ушбу ҳолати “Банк ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 20 моддасида кўрсатилган бўлиб, бунда республика банкларнинг банк, шу жумладан, кредитлаш амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишга мустақил эканлиги кўрсатилган.

Европа иттифоқининг амалдаги банк амалиёти билан мос келтириш мақсадида Марказий банк бир қарздорга максимал риск даражаси ҳажми меъёрини биринчи даражали капиталга нисбатан 25% дан 15% га тушириб, барча йирик кредитлар учун биринчи даражали капиталга нисбатан 8

баравар миқдорида максимал риск даражасини белгилаб берди. Бундан ташқари кредит рисклилигини аниқроқ ҳисобини юритиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида бир қарздор тушунчаси “ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи” ягона риск омили билан бирлашган алоҳида қарздорлар тушунчаси билан тўлдирилган эди. Марказий банкнинг таалуқли низомларида ўзаро алоқадор қарздорларни белгиловчи аниқ мезонлари берилган бўлиб, уларга нисбатан ҳам бир қарздорга ўрнатилган меъерий талаблар ҳам қўйилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу низомда келтирилган максимал риск меъери ва ягона риск омилини белгилаб беришга қаратилган мезонлар аниқланиши Базель қўмитасининг рисклар концепцияси чегарасига нисбатан талабларига тўлиқ мос келтирилган. Ўрнатилган талаблар концентрациялаш ва йирик кредитларни тўпланишини чегаралашга ёрдам беради ва шу орқали банкнинг омонатчилари ва кредиторларини қўйилмаларини нисбатан катта миқдордаги ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўртасида диверсификациялаш орқали ҳимояланишини таъминлайди.

Кредит рисклилигини бошқариш сифатини ошириш энг асосий талаби банк билан алоқадор бўлган шахслар билан банкка алоқадор бўлмаган шахсларга нисбатан имтиёзли шартлар асосида битимлар тузилишига йўл қўймасликдан иборат бўлган алоқадор шахслар билан банк томонидан амалга оширадиган амалиётлар тартиби тўғрисида низомни қабул қилиниши билан боғлиқдир. Қабул қилинган ҳужжатда “банк билан алоқадор шахслар”, “ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи” каби тушунчаларга аниқ таърифлар берилган.

8-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши шартки, банклар активлар сифатини ва ссудалар бўйича зарарларни қоплашга

жалланган захираларнинг етарлилигини баҳолаш сиёсати, амалиёти ва тартибини ишлаб чиқадилар ва унга амал қиладилар.

9-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши шартки, банклар раҳбариятга портфелдаги тўпланишни аниқлаш имконини берадиган маълумотларни бошқариш тизимига эгадирлар ва назорат органлари битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ мижозлар гуруҳига бериладиган кредитлар ҳажмини чекловчи пруденциал лимитлар қўйиши шарт.

10-принцип

Банкка дахлдор шахсларни кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган суистеъмолликларга йўл қўймаслик мақсадида, назорат органларида банкларни дахлдор компаниялар ва шахсларни кредитлашдан воз кечишга, бундай кредитларни ажратиш самарали қилинадиган ва рискларни назорат қилиш ва юмшатиш бўйича бошқа қўбул чоралар кўришга ундайдиган талаблар бўлиши лозим.

11-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши лозимки, банклар мамлакат risks ва унинг ўзларининг халқаро ссуда ва инвестицион фаолиятига тарқалиши устидан, шунингдек, мазкур riskларнинг тегшли захираларни ташкил қилиш мақсадида мониторинг ва назорат ўрнатиш, аниқлаш учун сиёсат ва тартибни ишлаб чиққанлар.

12-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши лозимки, банклар бозор riskини аниқ ўлчайдиган, улар устидан мониторинг олиб бериладиган ва етарли даражада назоратни амалга оширадиган тизимларга эгадирлар; назорат органлари бозор riskига қарши махсус лимитлар ёки

апиталдан ажратмалар қилишни белгилаш ваколатига эга бўлишлари лозим, агар бунга асос бўлса.

13-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши лозимки, банкларда барча сезиларли рискларни ва улар учун зарур бўлган капитални аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ва назорат қилиш учун рискларни бошқаришнинг кенг қамровли тартиби мавжуд (Кенгаш ва юқори маълумотларнинг тартибдорлиги талаб даражасидаги кузатувнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда).

14-принцип

Банк назорати органлари банклар, фаолиятининг мазмуни ва шартларини етарли даражада ҳисобга олган ҳолда, ички назорат тизимига эга бўлиши лозим. Ушбу тизим ваколат ва масъулиятларни тақсимлаш бўйича аниқ тадбирларни; банкнинг мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш ва унинг қўлқончиликлари ва мажбуриятларининг ҳисоби билан боғлиқ бўлган функцияларни тақсимлашни, мазкур жараёнларни мувофиқлаштириш, қўлқончиликларни ҳимоя қилиш, шунингдек, холис ички ва ташқи аудит функцияларини ва ушбу барча функцияларни амалдаги регулятив қўлқончиликлар ва қонунчиликка мос келишини ўз ичига олиши лозим.

15-принцип

Банк назорати органларининг ишончи комил бўлиши шартки, банклар шундай сиёсат, амалиёт ва тадбирларга эга бўлиши лозимки, “ўз ишнингни бил” қонунчилигини ҳам ҳисобга олган ҳолда, улар молия секторидаги юқори этика ва профессионал стандартларга мувофиқ келиши ва банк томонидан жиноий ҳатти-ҳаракатларни онгли равишда ёки қўлқончилик билмасдан содир этишга тўсқинлик қилиши лозим.

16-принцип

Самарали банк назорати тизими дистанцион ва инспекцион назоратнинг ўзаро уйғунлигидан ташкил топган бўлиши шарт.

17-принцип

Банк назорати органлари банкларнинг раҳбарияти билан доимий мулоқотда бўлишлари ва уларнинг барча операциялари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.

18-принцип

Банк назорати органлари банклардан пруденциал ҳисоботларни ва статистик маълумотларни индивидуал тарзда ҳам, умумий ҳолда ҳам олиш, кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган воситаларга эга бўлишлари лозим.

19-принцип

Банк назорати органлари банклар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини инспекцион текшириш орқали ёки ташқи аудиторлардан фойдаланиш орқали ҳолис текшириш воситаларига эга бўлишлари шарт.

20-принцип

Банк назоратининг муҳим элементи бўлиб, назорат органларининг банкларни консолидациялашган асосда назорат қила олиш қобилияти ҳисобланади.

21-принцип

Банк назорати органлари банкларнинг ҳисоботлар тизимини амалдаги бухгалтерия амалиётига мувофиқ келишидан қониқиш ҳосил қилишлари лозим, бу эса, назорат органларига банкнинг молиявий ҳолати, фаолияти рентабеллиги тўғрисида ишончли маълумотлар олиш имконини беради ва доимий равишда эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар унинг ҳолатини тўғри акс эттиришига имкон яратади.

22-принцип

Банк назорати органлари банк пруденциал талабларни бажара
й қолган тақдирда, амалдаги регулятив меъёрлар бузилганда ёки
атчилар учун риск юзага келганда тегишли тузатиш чораларини
га ошириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

23-принцип

Банк назорати органлари консолидациялашган назоратни
ашлари, талаб даражасидаги мониторингни амалга оширишлари ва
енциал меъёрларни банк томонидан бутун дунё бўйича амалга
оширадиган барча фаолият жиҳатларига нисбатан қўллашлари лозим,
қса, уларнинг хориждаги филиаллари ва шўъба ташкилотларига
атан.

24-принцип

Консолидациялашган асосда амалга ошириладиган банк
ратининг ўта муҳим компоненти бўлиб, хорижий банк назорати
нлари билан мулоқотни йўлга қўйиш ва маълумотларни ўзаро
шиш ҳисобланади.

25-принцип

Банк назорати органлари халқаро банкларнинг ички
ацияларига маҳаллий банкларга нисбатан қўлланиладиган қаттиқ ва
ри стандартларни қўллашлари ва ушбу банклар бўйича маълумотларни
у мамлакатларнинг банк назорати органлари билан ўртоқлашиш
латига эга бўлишлари лозим.

1.3. Базель кумитаси тижорат банкларни капиталга нисбатан урнатилган етарлик даражаси бўйича нормативлари

Банк капитали банкнинг перспектив келажагини бир маромга солиб
вчи регулятор ҳисобланади. Чунки банк фаолиятини тартибга солиб
вчи институтлар ҳам, молия бозори ҳам - банкнинг кредитлари ва
қа риск даражаси юқори бўлган активларининг ўсиш суръати даражаси
н капитал ҳажми ўсиш суръати бир маромда бўлиши талаб қилади.

ёз суръатлар билан ўсаётган банк, яъни кредит ва депозитларининг уммаси жадаллик билан ошиб бораётган банк, тартибга солувчи органлар ва молия бозоридан ташвиш сигналларини олишни бошлайди. Ушбу сигналлар банк ўз ўсиш суръати билан қўшимча капитални жалб этиш суръатини мослаштириш кераклигини билдиради. Тегишли назорат органлари томонидан капитал ҳолатининг тартибга солиниши банк дуч келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимоя қилишнинг (ўз навбатида тижорат банклари билан бўлган ишончини ва омонатларни суғурталаш давлатни тизимини йирик йўқотишлардан сақлаб қолишнинг) муҳим асбобларидан биридир.

Банк фаолиятида капитал шунингдек, рискларнинг олдини олиш ва уни бошқариш воситаси сифатида қўлланилади.

Базель қўмитасининг 6 тамойилига мувофиқ, банк назорати органи билан олган рискка мувофиқ бўлган минимал капитал ҳажмини ҳамда юзага келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда аниқ капитал таркибини белгилаб бериши лозим. Ушбу талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель қўмитаси томонидан 1988 йилда қабул қилинган "Капитални ўлчаш ва унга бўлган талаблар ҳақида халқаро келишуви" асосида тижорат банклари капитали етарлилигига талаблар низомини ўрнатиб чиқиб, унда капитални етарлилик даражаси аниқ бир банк фаолиятидаги риск даражаси мавсифидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган, умумий капиталнинг асосий элементлари ва мезонлари белгилаб берилган.

Капитални етарлилик меъёри асосида банк фаолиятининг бошқа ўзгича кўрсаткичлари тузилганлигини инобатга олиб, унга алоҳида ўлчибор берилган. Капитал ҳажми нафақат амалиёт ўтказиш масштаби, балки уларнинг хилмахиллиги билан, демак маблағлардан турли ўналишда фойдаланиш имконияти билан ҳам боғлиқ.

Умумий капиталнинг минимал рухсат этилган етарлилик даражаси банкка тортилган активларга нисбатан 10%, биринчи даражали капитал эса 8% миқдорда белгиланган. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш давраитларини инобатга олган ҳолда, бу меъёрлар капиталнинг етарлилиги бўйича Базель кўмитаси андозасига мос равишда 8% ва 4% ни ташкил қилган кўрсаткичларга нисбатан кучайтирилган эди. Бунда, агарда баъзи бир банкларда хавфсиз ва ишончли бўлмаган банк фаолиятини юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар пайдо бўлганда, марказий банк томонидан мазкур банкка нисбатан энг кам белгиланган регулятив капитал миқдорини ошириш талаби қўйилиши мумкин.

Банк капиталининг турлари. Банк капиталининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Оддий акционерлик капитали. Унинг қиймати, банк томонидан чиқарилган ва дивидендлар миқдори ўзгарувчан бўлган, оддий акцияларнинг номинал қиймати билан аниқланади.

2. Имтиёзли акционерлик капитали, фиксацияланган даромад бўлиши (дивиденд ставкаси) ваъда қилинган (муомилага чиқарилган ва қўйилган турдаги) акцияларнинг номинал қиймати орқали ҳисобланади; имтиёзли акциялар муддатсиз ва қоплаш муддати чегараланган бўлиши мумкин.

3. Қўшимча капитал, акцияларнинг номинал қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

4. Тақсимланмаган фойда, дивиденд тариқасида тўланмаган ва банк томонидан инвестицион мақсадларга ишлатиш учун олиб қолинган соф фойдадир.

5. Заҳиралар, кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича харажатларни қоплаш, шунингдек эълон қилинмаган дивидендларни тўлаш учун мақданаётган маблағлардир.

6. Субординар мажбуриятлар (қарз) омонатчилар олдидаги мажбуриятларга кўра иккиламчи, акциядорлар олдидаги мажбуриятлар бўйича бирламчи бўлган, ташқи инвесторлар томонидан қўйилган узоқ муддатли қарз капиталидир. Бундай қарз мажбуриятлари конвертацияланадиган (яъни банк акцияларига алмаштириладиган) бўлиши мумкин.

Корпоратив (субординар) облигациялар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирларлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли, ҳамда 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарорлари республикаимиз тижорат банкларига қўшимча ресурс базасини мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтди.

Мамлакатимиз тижорат банкларига узоқ муддатли облигацияларни чиқаришга руҳсат берилганлиги уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Жумладан, 2010 йил якунига биноан банклар томонидан умумий қиймати 201,7 млрд. сўм миқдоридagi ва амал қилиш муддатлари 4 йилдан 10 йилгача бўлган узоқ муддатли корпоратив облигацияларини чиқариш учун стимул вазифасини бажарди. Шу билан бирга, банкнинг умумий капиталини оширувчи субординар облигацияларни чиқарилиши банкларимиз инновацион муҳитини ташкил қилишга келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг 65,0 млрд. сўмлик, Ипак йўли банкининг 3,2 млрд. сўмлик ва Капитал банкнинг 7,5 млрд. сўмлик субординар облигациялари

давлат рўйхатидан ўтиб, республикамиз салоҳиятли инвесторлар орасида жойлаштирилди.

Корпоратив облигациялар бошқа турдаги банк қимматли ҳоғозларидан фарқли равишда унинг эгалари томонидан сўндириш муддатигача бўлган даврда эмитентга сўндиришга тақдим эта олиш ҳуқуқларининг чекланганлиги банкларнинг облигациялар муомала даврига мос барқарор ресурс базасини ташкил этади.

Тижорат банкларнинг капиталининг етарлигига қўйилган норматив талабларга кўра, тижорат банкларининг субординар қарзлари, банкнинг II даражали капитал таркибига кириб, мос миқдорда унинг умумий регулятив капиталини оширади. Қарзнинг сўндириш муддати етиб келгунга қадар, охириги 5 йил давомида йиллик 20 фоизга сўндириб борилиши шарт⁶. Субординар қарз ўз моҳиятига кўра банк мажбуриятини рақс этириб, таъминотсиз шаклга эга эканлиги банкларнинг ҳавфсиз ресурси ҳисобланади.

Россия банкларини инқироздан чиқариш дастури асосида субординар қарз амалиётидан кенг фойдаланган. Бунда Россиянинг Марказий банки, миллий фаровонлик фонди билан биргаликда 2020 йилгача йиллик 8 % ставкада 950 млрд. рубл миқдорида тижорат банкларнинг барқарорлигини оширишга кредитлар ажратилди. Шундан 500 млрд. рубли Марказий банк ҳисобидан, 450 млрд. рубли эса миллий фаровонлик фонди маблағлари ҳисобидан берилди⁷. Субординар кредитлар банклардан 2020 йилга қадар қайтариб олинмаслик шарти билан берилган бўлиб, бу уларнинг барқарорлик даражасини ошишига хизмат қилади.

⁶Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2000 йил 26 апрелда рўйхатидан ўтган "Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом
⁷Кувшинова О, Письменная Е, Шпигель А, Панов А. Две трети бюджета // Ведомости. 199, 2008.

7. Шуъба корхоналарнинг назорат пакети бўлмаган акциялари.

Унинг ҳисобига банк бошқа тармоқларнинг корхоналарида улушга эга бўлиши мумкин.

Банк капитали турли манбаларининг салмоғи. Қуйида келтирилган кўрсаткичлар банк капитали манбалари турли банкларда турли салмоққа эгалигидан далолат беради.

Жадвал 1. (млн. сўм)

	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ				
	01.01.2011 й.	салмоқ %	01.01.2012 й.	Салмоқ %	салмоқдаги ўзгаришлар суръати (+,-)
Устав капитали	47 823	63,0	112 709	74,2	+11,2
Заҳиралар	438	0,5	721	0,5	-
Тақсимланмаган фойда	28 017	36,5	38 491	25,3	-11,2
Жами капитал	76 278	100,0	151 922	100,0	
	Ўзмиллийбанк				
Устав капитали	516 000	84,7	557 200	80,8	-3,9
Қўшимча тўланган сармоя	25 800	4,2	27 860	4,0	-0,2
Тақсимланмаган фойда ва заҳиралар	67 080	11,1	104 475	15,2	+4,1
Жами капитал	608 880	100,0	689 535	100,0	
	«Агробанк» («Пахтабанк») ОАТБ				
Устав капитали	64 768	64,3	75 752	65,6	+1,3
Қўшилган сармоя	857	0,8	1 412	1,2	+0,4
Заҳиралар	2 576	2,5	3 388	2,9	+0,4
Тақсимланмаган фойда	32 139	31,7	32 511	28,1	-3,6
Озчиликлар улуши	734	0,7	2 492	2,2	+1,5
Жами капитал	101 074	100,0	115 556	100,0	
	«Микрокредитбанк» АТБ				
Устав капитали	75 644	97,0	124 264	95,5	-1,5
Заҳиралар	-	-	-	-	-
Тақсимланмаган фойда	2 357	3,0	5 385	4,1	+1,1
Озчиликлар улуши	-	-	458	0,4	+0,4
Жами капитал	78 001	100,0	130 108	100,0	

Аксарият банклар капитали таркибида асосий салмоқни устав капиталида жамланган банк акционерларининг маблағлари ташкил қилади.

Бу кўрсаткич 2012 йилнинг 1 январи ҳолатига «Ўзсаноатқурилишбанк» да

% ни, «Ўзмилийбанк» да 80,8% ни, «Агробанк» да 65,6% ни, «Крокредитбанк» да 95,5% ни, «Алоқабанк» да 84,5% ни, «Ипак йўли» да 76,4% ни ташкил этган. Сўнгги йилларда тақсимланмаган ва бўриб борилаётган фойда жами капиталда сезиларли ўрин эгалламоқда. Бу юқоридаги жадвал кўрсаткичларидан кўришингиз мумкин.

Халқаро Базель стандарти буйича тижорат банкларининг умумий капиталли икки қисмдан иборат: биринчи даражали капитал (асосий капитал) ва иккинчи даражали капитал (қўшимча капитал).

Биринчи даражали капиталга қуйидагилар киради:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- тижорат банкининг оддий ва имтиёзли акцияларининг бозор қиймати ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ суммаси;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- умумий захиралар;
- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум;
- консолидациялашган шубба компаниялари акцияларининг умумий қиймати ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ суммаси ва тижорат пакети бўлмаган қисми.

Биринчи даражали капиталдан банкнинг сотиб олинган активлари ва номоддий активлар суммаси чегириб ташланади.

Иккинчи даражали капиталга қуйидагилар киради:

- кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга қўлланган захира ажратмаларининг тижорат банки активларининг умумий қиймати ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ суммасининг 1,25 фоизидан ошмайдиган қисми;
- субординациялашган қарз мажбуриятлари;
- кумулятив, муддатли имтиёзли акциялар;
- қайта баҳолаш захираси.

Иккиламчи қарзлар ва ўрта муддатли имтиёзли акцияларнинг биринчи даражали капиталнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

инчи даражали капиталнинг қолган элементларига нисбатан чекловлар
тилланмаган.

Базель стандартига кўра, тижорат банклари капиталининг
қилиги куйидаги икки молиявий коэффицент орқали аниқланади:

1. Умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти (УКЕК).
2. Асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти (АКЕК).

Умумий капиталнинг етарлилик коэффиценти куйидаги
формула орқали аниқланади:

$$\text{УКЕК} = \frac{\text{Умумий капитал}}{\text{Активларнинг рискка тортилган суммаси}}$$

УКЕКнинг минимал меъерий даражаси 0,08 қилиб
тилланган. Агар ушбу коэффицентнинг ҳақиқий даражаси 0,08 дан паст
са, у ҳолда, мазкур тижорат банки тўловга ноқобил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
УКЕКнинг минимал меъерий даражаси 0,10 қилиб белгиланган.

Асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти куйидаги
формула орқали аниқланади:

$$\text{АКЕК} = \frac{\text{Асосий капитал}}{\text{Активларнинг рискка тортилган суммаси}}$$

АКЕКнинг минимал меъерий даражаси 0,04 қилиб
тилланган. Агар ушбу коэффицентнинг ҳақиқатдаги даражаси 0,04 дан
т булса, у ҳолда, мазкур тижорат банки тўловга ноқобил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан АКЕКнинг минимал меъёрий даражаси 0,05 қилиб белгиланган.

Агар тижорат банки УКЕК бўйича белгиланган норматив талабини бажарса, аммо АКЕК бўйича ўрнатилган норматив талабни бажара олмаса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг баланси ноликвид ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкининг умумий капитали миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, унинг камида 50 фоизи, яъни ярми асосий капиталдан иборат бўлиши лозим. Чунки, асосий капитал барқарорлик даражаси юқори бўлган манбалардан ташкил топади ва банк оғир молиявий ҳолатга тушиб қолганида «химоя ёстиғи» таърифасини бажаради.

Иккинчи даражали капитал Базель келишувини имзолаган томонлар томонидан мустақил равишда тартибга солинади, аммо иккинчи даражали капитал биринчи даражали капиталнинг 100 фоизидан ошиб бўлмаслиги керак.

Базель стандартига кўра, тижорат банкларининг активлари ўрт риск даражаси бўйича риска тортилади: 0 %; 20 %; 50 %; 100%.

0 % ли риск даражасига эга бўлган активларга, яъни рисксиз активларга тижорат банкининг кассаларидаги нақд пуллар, унинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамидаги пуллар, Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар, тижорат банки томонидан ҳукуматнинг 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли ағозларига қилинган инвестициялар киради.

20 % риск даражасига эга бўлган активлар таркибига тижорат банкининг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар, ҳукуматнинг 90 кундан ортиқ муддатга чиқарилган қимматли ағозларига қилинган инвестициялар, флоут (инкассация жараёнидаги пул аблаглари) киради.

Базель стандартида ипотека кредитларига 50 % риск даражаси берилган.

Тижорат банкларининг 100 % риск даражасига эга булган активларига корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар, миждозларга берилган кредитлар, асосий воситалар, бошка активлар ҳамда баланسدан ташқари активлар (банк томонидан миждозларнинг фойдасига очилган таъминланмаган аккредитивлар, банк томонидан берилган кафолатлар, форвард трансакциялари, банк томонидан берилган опционлар ва фьючерслар) киради.

Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган капиталнинг етарлилигини бахолаш методикаси қуйидаги афзалликларга эга ⁸:

- банк капиталининг реал даражасини ифодалайди;
- банк стратегиясини қайта кўриб чиқиш имконини беради ва капитал минимал бўлган ҳолатда кредитлар ҳажмини оширишдан воз кечишга мажбур қилади;
- банкнинг рисксиз фаолияти салмоғини ошириш имконини беради;
- ҳукуматни банклар фаолиятини тартибга солиш жараёнига аралашувини камайтиришини рағбатлантиради, чунки унда ўз-ўзини тартибга солиш кўпроқ намоён булади;
- баланسدан ташқари операцияларнинг ҳам риск даражасини ҳисобга олиш имконини беради;
- турли мамлакатларнинг банк тизимларини таққослаш имконини беради.

Базель қўмитаси томонидан таклиф этилган капиталнинг етарлилигини бахолаш методикасига хос бўлган камчиликлар қуйидагилардан иборат:

⁸ Банковское дело. Под ред. О.И. Лаврушина. 7-ое изд. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 214.

– капитал элементларини даражалари бўйича аниқлашда етарли даражада аниқлик йўқ, бунинг натижасида айрим банклар капиталнинг етарлилигига бўлган талабни сусайтирди;

– активлар риск даражаси бўйича етарли даражада табақалашмаган;

– операцияларнинг алоҳида турлари бўйича захиралар ташкил қилишга бўлган талаб пасайтирилган;

– капиталнинг етарлилиги фақат кредит рискига йўналтирилган.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини фоиз ва бозор рискларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мақсадида 1997 йилнинг июлида Битимнинг тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўйиладиган талабларига ўзгаришлар киритилди. Мазкур талаб қуйидаги риск турларига нисбатан қўлланилди:

1. Фоиз ставкаларига асосланган қарз инструментлари билан боғлиқ бўлган рисклар.

2. Савдо операциялари портфелидаги хиссали инструментлар билан боғлиқ бўлган рисклар.

3. Валюта рисқи.

4. Қимматбаҳо металлларни олди-сотди қилишда юзага келадиган товар рисқи.

Боб бўйича хулоса

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг таркибида захира капиталининг салмоғи 70 фоиздан юқори бўлган даражани ташкил қилди.

Ўз навбатида, захира капиталининг 90 фоиздан ортиқ қисмини

девальвация захираси суммасига тўғри келиши мамлакатимиз тижорат

банклари капиталининг барқарорлик даражасини паст эканлигидан

далолат беради. Халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари капитали

таркибини шакллантириш борасидаги меъёрий –услугий ишланмаларига мувофиқ, девальвация захирасини тижорат банклари капиталининг таркибида ҳисобга олиш таъқиқланади.

Девальвация захираси Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари асосий капиталининг таркибига киритилган. Бу эса, банкларнинг капитал базаси мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки девальвация захираси барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланмайди.

- Халқаро Базель кўмитасининг кўшимча капитал таркибини шакллантириш тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида қўллаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кўшимча капиталининг таркиби Базель стандартида кўзда тутилган кўшимча капитал таркибидан деярли фарқ қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг кўшимча капитали таркибида Базель кўмитасининг стандартида кўзда тутилмаган жорий йил фойдаси мавжуд.

2-БОБ. БАЗЕЛЬ ҚҰМИТАСИ ТОМОНИДАН БАНК КАПИТАЛИГА НИСБАТТАН ЎРАНТИЛГАН ТАЛАБЛАР.

2.1. Базель қўмитасининг талабларида тижорат банклари капиталини шакллантириш ва етарлилигини баҳолашнинг назарий асослари.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган варианты бўлган Базельда тижорат банклари капитали таркибини шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд. Бу эса, мазкур талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банкларнинг асосий капиталини етарли даражада шакллантиришда муаммоларнинг мавжудлиги (молия бозорларининг ривожланмаганлиги натижасида тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг фонд биржасида котировка қилинмаслиги, банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги туфайли соф фойда ва тақсимланмаган фойда миқдорининг камлиги, тижорат банклари акцияларига тўланаётган дивидендлар даражасининг пастлиги ва ҳ.к.) тижорат банклари капиталини шакллантиришда беқарор молиялаштириш манбаларидан ҳам фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Халқаро Базель стандартида тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8% қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 10% қилиб белгиланган. Халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари капиталининг

старлигининг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим. Кўриниб турибдики, тижорат банклари умумий капиталининг старлигига нисбатан минимал талабни ўрнатиш борасида ҳам турли хил ёндошишлар мавжуд.

Халқаро Базель қўмитасининг қўшимча капитал таркибини шакллантириш тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида қўллаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари қўшимча капиталининг таркиби Базель стандартида кўзда тутилган қўшимча капитал таркибидан деярли фарқ қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг қўшимча капитали таркибида Базель қўмитасининг стандартида кўзда тутилмаган жорий йил фойдаси мавжуд.

Базель стандарти бўйича икки йилдан ортиқ муддатга таъқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига киритилган. Республикамизда Базель қўмитасининг ушбу талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Аммо Базель қўмитасининг қайта баҳолаш захирасини қўшимча капитал таркибига киритиш тўғрисидаги талаби республикамиз банк амалиётига тўлиқ қабул қилинмаган. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда тижорат банклари жойлашган ер майдонлари банкларнинг хусусий мулки ҳисобланмайди. Шу сабабли, фақатгина банкларнинг асосий воситалари қайта баҳоланади ва уларнинг қайта баҳолашдан кейинги баҳоси билан қайта баҳолашдан олдинги баҳоси ортасидаги фарқ суммаси қайта баҳолаш захираси сифатида тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибига киритилади.

Базель стандарти тижорат банклари қошида лизинг, траст, факторинг ва форфейтинг компаниялари ташкил этиш йўли билан қўшимча капиталнинг миқдорини ошириш имконини беради. Бунинг натижасида бир томондан, қўшимча капиталнинг миқдори кўпаяди,

иккинчи томондан эса, банк томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажми ошади.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз Марказий банки томонидан Базель кўмитасининг кўшимча капиталнинг чегаравий миқдори бўйича белгилаган талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Ушбу талабга кўра, кўшимча капитал асосий капитал суммасининг 100 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

2.2. Тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш манбалари ва уларнинг қиёсий тавсифи

Банк капиталини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳар доим акционерларга тўланмаган ва банкда тақсимланмаган ҳолда қолдирилган фойда хизмат қилган. Капитални жалб қилишнинг афзал томони шундан иборатки, банк капитални шакллантириш жараёнида очик бозордан мустақил бўлади ва шу билан бирга қарзларни жойлаштириш бўйича қаражатлардан ҳоли бўлади. Ички имкониятлардан фойдаланиб капитални ошириш нафақат мавжуд акционерларнинг жамият устидан бўлган назоратини сусайтирмайди, балки акцияларга ҳисобланган дивидендлар ҳам камаймайди. Масалан, банк капитални кўпайтириш йўли сифатида акция чиқаришни танлади, акцияларнинг бир қисми янги акционерларга сотилди ва бу эса мазкур акционерлар кейинчалик жамиятнинг келажакдаги маълум фойда қисмига ва унинг сиёсатига аралаштиришга, ҳал қилишда қатнашишга ҳуқуқни кўлга киритишини англатади.

Кўшимча капиталга бўлган эҳтиёжни қондиришда фойданинг қисмига таянишга эътибор жорий фойданинг қайси қисми тақсимланмаган ҳолда қолиши ва қайси қисми акционерларга дивиденд кўринишида тарқатилишининг ечимига қаратилишини билдиради, яъни дивидендлар қилиниши аниқланадиган, ушлаб қолинган фойда қисмини аниқланиши зарур. Ушланган фойда катталиги банкни бошқаришда катта аҳамиятга эга. Жуда

паст даражада ўрнатилган катталиқ (яъни дивидендларнинг улуши катта бўлганда) у банк капитали ички манбаларининг секин ўсишига олиб келади. Шу билан бирга у банкнинг банкротлик эҳтимолини оширади ва даромад келтирувчи банк активларининг ўсишини чегаралайди. Ушланган фойданинг камлиги эса (яъни дивидендларнинг улуши кичик бўлганда) акционерларга тўланадиган дивидендларнинг камайиб кетишига олиб келади. Бу эса банк акцияларининг қиймати камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Банк акцияларининг юқори бозор қийматини таъминловчи сиёсат банкнинг оптимал дивиденд сиёсати ҳисобланади. Агар банк акцияларининг даромадлилиги хатарлилик даражаси тенг бўлган бошқа инвестициялардан келган даромадга тенг бўлса, банкка янги акционерлар жалб қилиниши ва эскилари эса келажакда ҳам банк акцияларининг ушловчиси бўлиб қолиши мумкин. Банк учун катта аҳамиятга молик бўлган масала - бу банк томонидан стабил дивиденд сиёсатини олиб борилишидир. Агар банк дивидендлари ҳеч бўлмаса эски даражада сақланса ҳам, у инвесторларнинг акцияларга ишончли даромад манбаи сифатида қарашга ва акцияларни сотиб олишга ундовчи восита бўлиб хизмат қилади. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк акциялари бўйича дивидендларнинг камайиши ҳақида эълон қилиниши акцияларнинг бозор баҳоси тушиб кетишига сабаб бўлади. Бу нафақат мавжуд акционерларнинг хайратланишига сабаб бўлади, балки бўлиши мумкин бўлган акционерларни ўз фикридан қайтишига ҳам олиб келиши мумкин. Ахир оқибатда кўшимча капитал тўплашга халақит бериши мумкин.

Тижорат банклари фаолияти давомида капитални жалб қилишнинг ишқи манбаларидан ҳам фойдаланишга зарурият туғилади. Капиталнинг ишқи манбаларига қуйидагилар киради:

- оддий акцияларни сотиш;
- имтиёзли акцияларни сотиш;
- ўзаро муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш;

– активларни сотиш;

–асосий фондларнинг айрим турларини ижарага олиш, масалан, банкка тегишли биноларни.

Банк қайси бир йўлни танлаши кўпгина омиллар таъсири остида шаклланади, шулардан бири бу акционерларнинг даромадига таъсир қилишидир. Ундан ташқари бу масалани ҳал қилишда банкнинг хатарга берилувчанлиги, банк назоратига таъсири, актив ва мажбуриятлар бозорининг аҳволи ҳам маълум миқдорда рол ўйнайди.

Оддий акцияларнинг сотилиши. Умуман олганда оддий акцияларнинг эмиссияси капитални жалб қилишнинг ташқи манбалари ҳисобида оддий акцияларни жойлаштириш харажатларининг катталиги ва акционерлар даромадларининг қарз мажбуриятлари эгаларига нисбатан кўп тулган ўрни билан боғлиқ хатарлари билан ажралиб туради. Чиқарилган оддий акциялар банк ишлатиши мумкин бўлган қарзлар улушини камайтиради ва шу билан бирга банк томонидан келгусида қўшимча маблағ жалб қилиш имкониятини кенгайтиради.

Имтиёзли акцияларнинг сотилиши. Имтиёзли акцияларнинг сотилиши оддий акцияларнинг сотилишига ўхшаб харажатни кўп талаб қилувчи манбалардан ҳисобланади. Имтиёзли акциялар эгалари оддий акция эгаларига нисбатан банк фойдасига бирламчи ҳуқуққа эга бўлганликлари сабабли имтиёзли акциялар чиқарилгандан сўнг оддий акциялар бўйича дивидендлар камайиб кетишини кутиш мумкин. Имтиёзли акциялар ҳам оддий акциялар каби банкнинг келажакда қарз олиш имкониятини оширади.

Субординациялашган қарзларни чиқариш. Субординациялашган қарз қоғозларининг банк учун афзаллиги шундаки, улар қарз мажбуриятлари улушининг ва битта акцияга тўғри келадиган фойданинг қилишига олиб келади, қачонки мазкур қарзлардан фойдаланиш оқибатида келадиган даромад унга тўланадиган харажатлардан юқори бўлса. Ундан

шқари мазкур қарз мажбуриятларидан капитал тўлдириш, ошириш ва баи сифатида қўлланиладиган давлатларда қарз бўйича фоииз тўловлари қилқ тўланадиган базани камайтиради. Яна бир нарсани кўрсатиб ўтиш заримки, бу қарз тури ҳам бошқа қарзлар каби банкротлик хатарини тиради.

Активларни сотиш ва кўчмас мулк ижараси. Ўз фаолиятини бир қомда ушлаб туришда ва капитални бошқаришда банклар ўз асосий ситаларини, масалан, банк жойлашган бинони сотади ва уни янги бино асидан ижарага олади. Одатда бу операция банкка катта ҳажмдаги мблағ олиб келишига ва ўз капиталининг сезиларли ошишига, банкнинг капитал позицияси кучайишига олиб келади. Бу каби операциялар мфляция ва иқтисодий ўсиш суръати банк балансида акс эттирилган мол- мулкнинг жорий қийматининг унинг бошланғич қийматига нисбатан қаришидан юқорироқ бўлган даврларда қўлланилганда катта самара берган.

Агар амалдаги қонун ва қоидалар бўйича банк мулкнинг эскириш суръери қанчалик катта бўлса, банк учун мазкур операцияни амалга ошириш учун манфаатдорлик шунчалик катта бўлади.

Ривожланган давлатларда кўпгина тижорат банклари банк капиталининг банк активларига бўлган нисбатини яхшилаш учун активларни сотиш усулидан фойдаланишмоқда. Бу усулга асосан банк томонидан хатарлилиги юқори бўлган банк активларининг ўсиши қинлаштирилади, яъни секин-аста улар хатарлилик даражаси паст активларга (давлат қимматбаҳо қоғозлари, давлат томонидан минланган кредитларга) алмаштирилади. Бу билан капитал ва хатарлилик даражаси бўйича тортилган активлар ўртасидаги нисбат банк учун ижобий томонга силжийди.

Халқаро банк амалиётида тижорат банки капиталининг минимал миқдори деганда икки хил тушунча назарда тутилади:

1) Марказий банкнинг, банк операцияларини бажаришга ҳуқуқ берувчи лицензиясини олиш ва банк ўз фаолиятини бошлаш учун меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган банк капиталининг минимал миқдори.

2) Иқтисодий нормативларни бажарилиши устидан назорат қилиш учун асос сифатида қўлланиладиган капиталнинг етарлилик миқдори.

Шу билан бирга, тижорат банки асосий капиталининг етарлилик миқдори уларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни аниқлашда ҳам асосий иқтисодий мезон бўлиб қисобланади. Масалан, тижорат банкларининг битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ мижозлар гуруҳига берадиган ишончли кредитларининг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бундай мижозларга таъминланган кредитлар берилмаётган бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Тижорат банкларининг мижозларга берадиган йирик кредитларининг умумий миқдори биринчи даражали банк капиталидан 8 мартадан ошиб кетмаслиги керак⁹.

Ёки очик валюта позицияларига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативни олайлик. Ушбу нормативга кўра, тижорат банкининг битта валютадаги очик позициясининг миқдори банк капиталининг 5 фоизидан, барча валюталардаги очик позициясининг миқдори эса банк капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим¹⁰.

Худди шунингдек, банкнинг бир корхонанинг устав капиталига инвестиция қилиш учун сотиб олган қимматли қоғозлар миқдори банкнинг биринчи даражали капиталининг 15 фоизидан, барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари

⁹Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – «Ўзбекистон», 2003.- 189- бет.

¹⁰Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Очик валюта позициясини назорат қилиш» қоидаларининг 2-банди.

ри банкнинг биринчи даражали капиталининг 50 фоизидан, олди-
учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмалари
нинг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги

Демак, банк капиталининг етарлилик миқдори тушунчасидан
ат банклари фаолиятига нисбатан Марказий банк томонидан
илаётган иқтисодий нормативларни белгилашда ва уларнинг
илишини назорат қилишда фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатда тижорат
ри капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик
асини белгилашда халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб
ган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Базел қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган
рни қоплаш мақсадида 1997 йилдан III даражали капитални
ётга жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, учинчи
али капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим)
динар қарзлардан иборат бўлиб биринчи даражали капиталнинг 250
ан ошиб кетмаслиги лозим¹².

Махсус захиралар банк балансининг контр-актив ҳисоб варақасида
гитрилиб банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилади. Базел
асининг андозаларига кўра активлар бўйича эҳтимолий
ишларни қоплаш захирасини рискка тортилган жами активлар
сининг 1,25 фоизга тенг миқдорини II-даражали банк капитали
бига киритилади.

Айни вақтда, миллий валютасининг курси нобарқарор бўлган
катларда девальвация захираси миқдорининг кескин тебраниши юз

истон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари
.-Т.. «Ўзбекистон», 2003.- 226- бет.

ова А.Г Финансово-кредитный энциклопедический словарь. -М.. «Ф и С». 2002. С.387

бермоқда. Бу эса девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаига айлантирмоқда. Шу муносабат билан таклиф қилардикки, хорижий валюталар бўйича девальвация захирасини асосий капитал таркибидан чиқариб қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Банк капиталига унинг турли хилдаги резервлар ҳам киради.

Уларнинг жумласига:

- а) кутилмаган ҳодисалар учун резерв;
- б) дивиденд тўлаш учун резерв;
- в) қопланмаган кредитлар ёки лизинг операциялар бўйича ўқотишларни қоплаш учун резерв.

2.3. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси

Иқтисодий таҳлилни кучайтириш мақсадида республикамизнинг тижорат йирик тижорат банклари регулятив капиталининг таркибини кўриб чиқамиз.

Жадвал 2

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки регулятив капиталининг таркиби ва динамикаси¹³

(фоизда)

Регулятив капитал таркиби	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2008	2009	2010	2011	2012	
Ўстаб капиталли	4,8	4,5	4,2	3,7	4,3	- 0,5
Ўқира капиталли	89,9	87,4	83,9	83,4	79,4	- 10,5

ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Йил фойдаси	1,8	1,9	3,6	3,3	3,6	1,8
ланмаган фойда	3,5	6,1	8,3	9,5	12,6	9,1
лнинг бошқа глари	0,0	0,1	0,0	0,1	0,1	0,1
тив капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x

* маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабр ҳолатига олинган.

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкининг ий капитали таркибида 2012-2008 йилларда захира капиталининг ўғи юқори даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, захира талининг асосий қисми ушбу банкда девальвация захирасининг сига тўғри келади. Масалан, 2012 йилда ТИФ Миллий банки захира талининг ҳажмида девальвация захирасининг салмоғи 85,4 фоизни ил қилди. Девальвация захираси салмоғи кўрсаткичининг юқорилиги ўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражасининг таҳлил ган даврда юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2012 а сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражаси 8,5 ни ташкил қилди. Девальвация захирасининг умумий капитал идаги салмоғининг юқори бўлиши банк капитали таркибининг рорлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки вальвация захираси нобарқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади. инг учун ҳам Халқаро Базел қўмитасининг экспертлари уни тижорат лари капиталининг таркибига киритмаган.

Лекин таҳлил қилинган давр мобайнида захира капиталининг ятив капитал ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденциясига эга илгини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Ушбу пасайиш ий банк регулятив капиталининг умумий ҳажмида тақсимланмаган

ойда ва жорий йил фойдасининг мазкур давр мобайнида ўсганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2012-2008 йилларда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан паст даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу банк устав капиталининг сўмдаги эквиваленти таҳлил қилинган давр мобайнида бир хил суммада, яъни 22386 млн. сўм миқдорида сақланиб қолган. Устав капиталининг миқдори ўзгармаганлиги сабабли унинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи пастлигича қолган ва мазкур кўрсаткич 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга пасайган.

Шунингдек, келтирилган жадвал маълумотида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг жуда паст даражада эканлиги кўринади. Ушбу ҳолат ТИФ Миллий банкида фойданинг капиталлашув имкониятининг чекланганлигидан далолат беради.

2-жадвал маълумотларидан ТИФ Миллий банкида тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг 2012-2008 йилларда сезиларли даражада ўсганлиги кўринади. Бу эса, ҳукуматнинг Миллий банк фаолиятидаги айрим муаммоларни ҳал қилишга молиявий жиҳатдан кўмаклашаётганлиги билан изоҳланади. Шундай қилсак, муаммолардан бири инвестицион кредитлар бўйича муддати ўтган кредитлар муаммосидир. Республикамиз банк тизимидаги муддати ўтган кредитларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми ТИФ Миллий банкнинг ҳиссасига ўттири келмоқда. Муддати ўтган кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги тижорат банкнинг молиявий ҳолатига, капитал базаси тақриб қарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

ТИФ Миллий банкида капитал бошқа элементларининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг ниҳоятда паст даражадалиги ва шунинг учун 2012 йилда 0,1 фоизни ташкил этганлиги кўриниб турибди. Бунинг

сий сабаби, фикримизча, ТИФ Миллий банки кўшимча капитал асининг заифлигидир. Ўз навбатида, унинг кўшимча капитал асининг заифлиги банкнинг субординациялашган қарз хбуриятларининг мавжуд эмаслигида, кредитлардан кўриладиган арларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини таснифланган редитлар миқдорига мутаносиб эмаслигида намоён бўлади.

Жадвал 3

Ўзбекистон Республикаси Очик Акциядорлик-тижорат “Агробанк”и регулятив капиталининг таркиби ва динамикаси¹⁴

(фоизда)

Умумий капиталнинг таркиби	2008	2009	2010	2011	2012	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Устав капитали	25,0	24,4	22,2	20,4	35,9	8,1
Дивиденд капитали	41,6	44,9	44,5	44,8	50,3	19,1
Тўғри йил фойдаси	17,0	11,6	14,7	11,8	13,6	-7,4
Қосимланмаган фойда	16,4	19,1	18,5	22,9	0,2	-12,2
Капиталнинг бошқа элементлари	0,0	0,0	0,1	0,1	0,0	-7,6
Умумий капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x

Маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабр ҳолатига олинган.

3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2012-2008 йилларда Агробанк умумий капиталининг ҳажмида устав капиталининг салмоғи қайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк капитали таркибининг барқарорлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали умумий капиталнинг бошқа элементларига нисбатан барқарорлик кўражаси юқори бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Аммо 2012

¹⁴ АТ “Агробанк”нинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

да устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг 2008 га нисбатан 8.1 фоизли пунктга ошганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

2012-2008 йилларда Агробанк умумий капиталининг умумий ҳажмида захира капиталининг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий тенденция ҳисобланади. Чунки Агробанк захира капиталининг қаррли қисмини Имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари ташкил қилди. Масалан, 2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига, Агробанк захира капиталининг ҳажмида Имтиёзли кредитлаш фонди маблағларининг салмоғи 27,5 фоизни ташкил қилди. Имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари банкларнинг фойдаси ҳисобидан ташкил этилади ва улар ҳисобидан берилган кредитлардан олинган фоизли даромадлар ҳисобидан озод қилинади.

2012 йилда Агробанк умумий капиталининг ҳажмида жорий фойдаси ва тақсимланмаган фойда салмоғининг 2008 йилга нисбатан қаррли даражада пасайиши кузатилди. Бу эса, фойданинг тақсимланиши даражасини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банклари капиталининг етарлилик даражасига баҳо бериш учун тижорат банклари умумий капиталининг умумий қисмининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмидаги салмоғининг тақсимланишини таҳлил қиламиз. Чунки ҳар қандай мамлакат банк тизимининг умумий қисмига қобиллиги банклар умумий капитали суммасини ЯИМ даги салмоғининг даражасига қараб макродаражада аниқланади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилиги микродаражада тақсимланганда унинг банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан даражасига баҳо берилди. Халқаро Базел стандартига кўра, тижорат банклари умумий капиталининг рискка тортилган активлар суммасига нисбатан даражаси камида 8 фоизни, асосий капиталнинг

тортилган активлар суммасига нисбатан даражаси эса, камида 4
и ташкил этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат
ри умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган
ал талаб 10 фоизни, асосий капиталнинг етарлилигига нисбатан
анган минимал талаб эса, 5 фоизни ташкил этади.

Жадвал 4

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан банклар устав
италини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси¹⁵

Банк номи	Бошланғич устав капитали, млрд. сўм	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
		Жами	Шу жумладан				
			2008	2009	2010	2011	2012
Қалқ банки	100	120,0	20	30	30	20	20
Асакабанк	300	147,1	100	48	—	—	—
Саноатқурилишбанки	100	65,4	63	2	—	—	—
Микрокредитбанк	150	72,0	54	18	—	—	—
Агробанк	100	50,0	22	28	—	—	—
Қишлоқ қурилиш банк	50	36,0	13	23	—	—	—
Жами	491	272	149	30	30	20	20

Республикада тижорат банклари қўшимча капиталининг
орини ошириш мақсадида банкларнинг икки йилдан ортиқ муддатга
бўлган субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага
иш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан
тирилди.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари умумий капиталининг таркибида қўшимча капиталнинг салмоғи 13,1 фоизни ташкил қилди¹⁶.

Икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибига киритилади. Ҳозирги кунда республикада фақат иккита тижорат банки – Капиталбанк ва Ипак йўли банкнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари мавжуд. Фикримизча, бошқа тижорат банклари ҳам субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага чиқаришлари мумкин.

Базель стандарти бўйича икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига киритилган. Республикада Базель қўмитасининг ушбу талаби ўзгаришсиз қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикада Марказий банки томонидан Базель қўмитасининг қўшимча капиталнинг чегаравий миқдори бўйича белгилаган талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Ушбу талабга кўра, қўшимча капитал асосий капитал суммасининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

Республикада тижорат банкларида активларни рискка тортиш даражасининг талаби Базель-II талаблари асосида такомиллаштириш зарур.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қадорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

к даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқориган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг қарорчилигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикада кредитлардан кўриладиган зарарларни қисқарттиришга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг қарздорликка олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф капиталларини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка таъсир қилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари қисқаришининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банкларининг етарлилик коэффициенти пасаяди.

Боб бўйича хулоса

Икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз бўриятлари тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибига таъсир қилади. Ҳозирги кунда республикада фақат иккита тижорат банки капиталбанк ва Ипак йўли банкнинг субординациялашган қарз бўриятлари мавжуд. Фикримизча, бошқа тижорат банклари ҳам субординациялашган қарз мажбуриятларини муомалага чиқаришлари мумкин.

Базель стандарти бўйича икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари қўшимча капитал таркибига киритилган. Республикада Базель қўмитасининг ушбу талабига би ўзгаришсиз қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикада Марказий банки томонидан Базель қўмитасининг қўшимча капиталнинг чегаравий миқдори талабига белгилаган талаби ўзгаришсиз қабул қилинган. Ушбу талабга кўра, қўшимча капитал асосий капитал суммасининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

III БОБ. Базель кумитасининг банк назоратига оид талабларни Ўзбекистон амалиётида куллаш имкониятлари.

3.1. Миллийбанк томонидан Базель кўмитаси томонидан капиталга нисбаттан ўрнатилган талабларга риоя эттилишини таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Ташқий фаолият Миллий банкни 2013 йил 31 декабрь ҳолатидаги мустақил аудиторларни хулосаларни таҳлил қилинганда қўйидагиларни маълум қилдик:¹⁷

Миллийбанкни 31 декабр 2013 ва 2012 йилларда рўйхатга олинган ва тўланган акционерлик капитал 4,000 млн сумм ва ўзбекистон сўмдаги эквивалентдаги 400,000 минг долл. США миқдорини ташкил қилинган ва 2007 йил 1 январдан бошлаб сўм ҳисобидаги акционерлик капитал 623 867 млн сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасини қойида ва қонунларни талаблари бўйича акционерларни дивидентлари аккумуляция ёки жорий тақсимланмаган ва захира қилинмаган фойдани ҳисобидан эълон қилиниши мумкин. 2013 йил 1 январ ҳолатида тақсимланмаган ва захира қилинмаган фойдани миқдори 359,605 млн сўмни (2012 йилда – 259,076 млн сўмни) ташкил қилинган.

Миллийбанк битта акцияга тўғри келадиган дивидентини эълон қилинмаяпти чунки, Миллийбанк акционерлик жамият эмас ва устав капитал бор йўғи битта акцияга таалукли.

**Ташқи фаолият Миллий банкни капитални ташкилий структураси
(млн сўмда)**

Капитал;	01.01.2014	01.01.2013	01.01.2012
Таъсисчиларга таалуқли Капитал.			
Устав капитал	623 867	623 867	623 867
Сотувга мўлжалланган амалда мавжуд молия активлар бўйича захиралар.	8 915	7 784	4 365
Тақсимланмаган фойда	359 605	259 076	150 836
Бошқа захиралар	11 617	9 024	7 331
Жами Таъсисчиларга таалуқли Капитал.	1 004 004	899 751	786 399
Назорат қилинмайдиган талаб турадиган шуҳушлар	8 610	6 539	5 033
ЖАМИ КАПИТАЛ:	1 012 614	906 290	791 432

31 декабр 2013 йил ҳолатида банк ва бошқа молиявий муассаларни муддатли депозитлари субординар қарзларни ўз ичига олади. Гуруҳ бўйича амалиётга чиқарилган “Халқбанк” Давлат банкига мулжалланган 30 819 млн сум 12% фоиз ва 35 473 млн сум 10,5% фоиз билан иккита эмиссия шартлари муддати 8 декабрь 2019 йил ва 28 сентябрь 2022 йилгача мутаносиб равишда амалиётга чиқарилган. Банкротлик ёки гуруҳни ёпилиш даврида ушбу қарздорлик бўйича қарзларни ёпиш жараёни бошқа кредитор олдидаги қарзларни ёпилишдан кейин амалга оширилади.

Осиё тарақиёт банк билан гуруҳни келишувида айрим талаблар шартланган: шу жумладан капитални етарлик даражаси 12% фоизидан ўртача активларни рентабеллиги 0,5% дан кам, муаммоли ссудаларни умумий

редит портфелидаги улуши 5% ошмаслиги ва бошқа молиявий алабларни таъминлаши лозим.

Банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг қуомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумлдан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан 204 миллиард сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 миллиард сўмни ташкил қилди.

Миллийбанк томонидан амалиётга чиқарилган қарз муносибатларни билдирувчи қимматли қоғозларни амалиётга чиқарилган миқдори қуйидагича:

Жадвал 6 (Минг сўмда)

	31 декабр 2013 й.	31 декабр 2012 й.
Векселлар	110 950	-
Облигациялар	56 250	57 515
Депозит сертификатлар	41 966	24 799
Ҳами чиқарилган қарз муносибатларни билдирувчи қимматли қоғозларни миқдори.	209 166	82 314

2013 йилда Миллийбанк амалиётга векселларни чиқарилди. Ўзбекистондаги амалиётда вексель муомиласи мавжуд эмас лекин халқаро амалиётда ушбу қарз мажбуриятларини билдирувчи қимматли қоғозлар ўз сифасини бажарияпти. АҚШ доллардаги 50,000 минг доллар номинал миқдорида амалиётга чиқарилган. 31 декабр 2013 йил ҳолатидаги чиқарилган облигациялар ўз ичига субординар қарзларни ҳам олади. Очқ қционерлик жамияти, “Оҳангаронцемент” учун чиқарилган субординар

35,0 млрд сўмни, йиллик 10,5 фоиз билан, 6 октябр 2020 йил муддати
 н чиқарилган. Банкни банкротлик ёки ёпилиш даврида ушбу
 қорлик бошқа кредиторлар олдида мажбуриятини бажарилган
 ирда қайтарилади.

Пастдаги жадвалда Миллийбанкни Базель кўмитасининг талабларга
 фиқ регулятив капитални шакллантирувчи манбаларни акс
 илган.

Жадвал 7

чи даражали	31 декабр 2013 й	31 декабр 2012 й
ални ўзгариши		
ар ҳолатида	899,751	786,399
авомидаги фойда	100,529	107,243
йил давомидаги	3,724	6,109
й даромадни миқдори		
кабр ҳолатида	1,004,004	899,751
тив капитални		
и		
чи даражали капитал:	31 декабр 2013 й	31 декабр 2012 й
нерлик капитал	623,867	623,867
гициялар бўйича	8,915	7,784
лар		
та мўлжалланган		
мавжуд молия		
ар бўйича захиралар.		
ан захиралар	371,222	268,100
биринчи даражали	1,004,004	899,751
л		
динирлашган қарз	101,292	100,000
регулятив капитал	1,105,296	999,751

апитални етарлик даражаси:

иринчи даражали капитални

19,56% 21,59%

Сами капитални

21,53% 23,99%

Ушбу рақамлардан маълум бўлиятики Базель кўмитаси томонидан
 илган капитални етарлик даражаси умумий капитални 8% ва биринчи
 али капитални 4% миқдори ундан ташқари Ўзбекистонда ўрнатилган
 ар умумий капитални етарлик даражаси 10% миқдорда ва биринчи

даражали капитални 5% миқдордаги мейёрлар Миллибанк томонидан икки барабар зиёд миқдорда бажарилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республика МБ пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг ресурс базасини депозитларни жалб этиш орқали мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу мақсадда, пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалбқилинишини янада рағбатлантириш учун 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий захира талаблари муддати 1 йилгача бўлган депозитлар бўйича -15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун -12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар бўйича -10.5 фоиз миқдорида ўрнатилади.

Мажбурий захира талаблари механизмига киритилган ўзгартиришлар аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш самарадорлигини янада оширди.

ЎР Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча қўра-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июнда имзоланган ПҚ-1166-сонли Қарорига биноан тижорат банкларига қўйидаги имтиёзлар берилди:

- 2015 йилнинг 1 январгача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;
- Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ташаббусчилик ва уларни инвестиция лойиҳасини амлағ ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган

ҳолда, молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш жорий этилди.

Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсиялари ва халқаро молия институтлари экспертларининг таклифларини инобатга олган ҳолда Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига 2013 йил 30 январда 949-7-сон ҳамда «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида»ги Низомига 2013 йил 29 январда 559-1-сон билан тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Базель кўмитасининг капитал етарлилиги ва банк ликвидлиги борасидаги янги тавсияларини жорий қилиш бўйича ишларни давом эттириш;

– банклар фаолиятининг аниқ ва холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

Республикада узоқ муддатли йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга кўп ишларни амалга оширилмоқда. Шу жумладан 2009 йил 28 июлдаги, ПҚ-1166 сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ 2015 йил 1 январгача қадар тижорат банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақаллаштирилган фойда слиғи бўйича ставкалар қилиб белгиланган. Масалан агар кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши 35 дан 40% гача ташкил қилинган бўлса тижорат банкларида фойда солиғига имтиёзли ставка (амалдаги ставканинг % ида) 80% ни ташкил қилади. Агар 40 дан 50% гача 75% ни,

қаражали капитални 5% миқдордаги мейёрлар Миллибанк томонидан икки қарабар зиёд миқдорда бажарилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республика МБ пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг ресурс базасини депозитларни жалб этиш орқали мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу мақсадда, пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш учун 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий захира талаблари тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий захира талаблари муддати 1 йилгача бўлган депозитлар бўйича -15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун -12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар бўйича -10.5 фоиз миқдорида ўрнатилади.

Мажбурий захира талаблари механизмига киритилган тағирланишлар аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш самарадорлигини янада оширди.

ЎР Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча қара-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июнда имзоланган ПҚ-1166-сонли қарорига биноан тижорат банкларига қўйидаги имтиёзлар берилди:

- 2015 йилнинг 1 январгача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;
- Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ташаб қилиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амлағ ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган

ҳолда, молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш жорий қилинди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари ва халқаро молия институтлари экспертларининг таклифларини инобатга олган ҳолда Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига 2013 йил 30 январда 949-7-сон ҳамда «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига 2013 йил 29 январда 559-1-сон билан тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Базель қўмитасининг капитал етарлилиги ва банк ликвидлиги борасидаги янги тавсияларини жорий қилиш бўйича ишларни давом эттириш;

– банклар фаолиятининг аниқ ва холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

Республикада узоқ муддатли йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга кўп ишларни амалга оширилмоқда. Шу жумладан 2009 йил 28 июлдаги, ПҚ-1166 сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўйиладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ 2015 йил 1 январгача қадар тижорат банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақаллаштирилган фойда слиғи бўйича ставкалар белгиланган. Масалан агар кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши 35 дан 40% гача ташкил қилинган бўлса тижорат банкларида фойда солиғига имтиёзли ставка (амалдаги ставканинг % ида) 80% ни ташкил қилади. Агар 40 дан 50% гача 75% ни,

дан юқори ташкил қилинган бўлса тижорат банкларида фойдага имтиёзли ставка (амалдаги ставканинг % ида) 70% ни ташкил и.

1.2. Базель қумитасининг III босқичда қуйилаётган талаблар.

2008 йилда бошланган жахон молиявий-иқтисодий инқирози Базель қумитасининг банкларнинг капиталига нисбатан белгиланган талабларни кучайтиришга мажбур қилди. Натижада Базель-III деб номланувчи Базель қумитаси томонидан янги Базель-III талаблари 2010 йилнинг 12 декабридан кучга кирди.

Ушбу янги Базель-III талаблари Базель-II талабларини бекор қилмайди, балки уни қўллайди.

Базель қумитаси томонидан “Базель III” талаблари 2009 йилнинг 8-9 декабрида эълон қилинди. 2009 йилнинг 8-9 декабридаги қумитасининг “Банк сектори барқарорлигини ошириш” ва “Ликвидлик талабларини ўлчаш” стандартлар ва мониторинг бўйича талаб ва тавсиялар қўйилди.

Базель III талаблари бўйича амалга ошириш этаплари қўйидаги талабларга олиб келиши лозим: 1) норматив капиталини сифат жиҳатда ошириш. Ушбу талаб тижорат банкларда келгусида узликсиз ёки банкнинг қўшимча зарарларни қоплашга қўшимча имкониятлар яратади. Ушбу талабларни амалга ошириш мақсадида ушбу талабларга қўшилган талабларда норматив базасига зарурий ўзгартирилишларни киритиш лозим бўлади ва натижада капитални етарлик даражаси мейёрини қўйидаги талабларга тортилган активларга нисбатан) босқичма босқич асосий капиталга (Tier 1) нисбати 2014 йил 1 январдан – 4,5%, 2015 йил 1 январдан бошлаб эса асосий капиталга нисбатан етарлик даражасини қўйидаги талаблар 6% ташкил қилиши лозим.

Йиллар буйича босқичлар	Қарзга олинган маблағларни улуши (леверадж)	Оддий акцияларга нисбатта н минимал талаблар	Капитал buffer	Оддий акциялар ва буффер капиталга нисбатта н минимал талаблар	СЕТ дан ўтказмалар	Асосий капитал (Tier 1) га нисбатта н минимал талаблар	Норматив капиталга нисбатта н минимал талаблар	Капитални ҳамда buffer капитални ҳисобга олинган ҳолда минимал талаблар
2014	Экспериментал муддат 01.01.2014 й-01.01.2017 й	4%	-	4%	20%	5,5%	8%	8%
2015	Буюртма берилаётган муддат – 1 январь 2015 й.	4,5%	-	4,5%	40%	6%	8%	8%
2016		4,5%	0.625%	5.125%	60%	6%	8%	8.625%
2017		4,5%	1.25%	5,75%	80%	6%	8%	9,25%
2018		4,5%	1,875%	6,375%	100%	6%	8%	9,875%
2019		4,5%	2,5%	7%	100%	6%	8%	10,5%

Республикамиз тижорат банкларининг халқаро Базель талабларига асосланган банк капитал етарлилиги коэффиценти кейинги йилларда ошиб бориб, 24 фоиздан юқори кўрсаткичга етди, яъни, халқаро талаб 8 фоиз бўлгани ҳолда 3 баробардан юқоридир. Юртимизда молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш мақсадида қатор банкларга давлат томонидан капитални ошириш учун 600 млрд сўмдан зиёд маблағнинг йўналтирилиши банк капитални етарлилиги коэффицентининг кўтарилишига сабаб бўлди. Натижада республикамиздаги етакчи банклар халқаро рейтинг компанияларининг барқарор рейтинг кўрсаткичларига эга бўлдилар.

Базель-III нинг асосий талаблари:

1. Қўмитанинг янги талабларини бажара олмаган тижорат банклари бонус тўловлари ва дивидендлар миқдорини камайтиришга мажбур бўладилар.

2. Акциядорлик капитали миқдорига нисбатан белгиланган талаблар оширилди.

Агар мазкур талаб бундан олдин активларнинг риска тортилган суммасини солиқ тўлангунга қадар бўлган миқдорини 2 фоизини ташкил этган булса, энди ушбу кўрсаткич мазкур сумманинг солиқ тўлангандан кейинги миқдорининг 4,5 % даражасида белгиланди.

3. Биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб оширилди.

Ушбу талаб 2013 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда амалдаги 4 фоиздан 6 фоизга оширилади.

4. Капиталнинг химоявий «консервация «буфери» жорий этилади.

Капиталнинг химоявий «консервация «буфери» биринчи даражали капиталнинг 2,5 фоизи ҳажмида ташкил этиладиган кўшимча захирадан иборатдир. Шундай қилиб, биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган умумий талаб даражаси 7 фоизни ташкил этади (2,5% + 4,5 %).

5. Контрциклик буфер жорий этилади.

Контрциклик буфер банк ўз капиталининг 0 % дан 2,5 фоизигача ҳажмда ташкил этилади ва кредитлаш ҳажмининг кескин ошишига тўсқинлик қилади.

6. Тижорат банкларининг ўз капитали ва жалб этилган капитали ўртасидаги нисбат.

Ушбу нисбат рисксиз миқдорни аниқлаш мақсадида ўлланилади. Рисксиз миқдор сифатида биринчи даражали капиталнинг 3 % даражаси олинади. Мазкур кўрсаткич 2013-2017 йилларда жорий қилинади ва тегишли тузатишлардан сўнг директив аҳамият касб этади.

7. 2015 йилдан бошлаб ликвидликни қоплаш кўрсаткичи - **Liquidity Coverage Ratio (LCR)** жорий этилади.

LCR 30 кунлик муддатда капитал чиқимини юқори ликвидли активлар захираси билан қопланишини кўрсатади.

Банкларда молиялаштиришнинг етарлилигини назорат қилиш мақсадида **Net Funding Stability Ratio (NFSR)** кўрсаткичини 2018 йилдан бошлаб жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткич мавжуд ва талаб қилинадиган молиялаштириш ҳажми ўртасидаги нисбат шаклида аниқланади.

8. Иқтисодиётга жуда юқори даражада таъсир кўрсатадиган банкларга нисбатан юқори даражадаги захира талаблари қўлланилади.

Банк фаолиятини лицензиялашга қушимча равишда Марказий банк банклар мулки таркибига аниқ бир талаблар белгилаб бериб, акциядорлар ўртасида акциялар ҳаракатига чекловлар қўйган. Юқорида қайд қилинган банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш низомига мувофиқ, бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши умумий устав капитали ҳажмининг 7 фоизидан ошмаслиги лозим (хусусий ва хорижий капитал иштирокидаги банклардан ташқари). Бундан ташқари, бир ёки бир неча битим натижасида бир ёки бир неча ўзаро келишув билан боғлиқ бўлган ёки бир бирини мулкани назорат қилувчи шахслар томонидан банкнинг 5 фоиздан зиёд акцияларини сотиб олиш жараёнида, Марказий банкни хабардор қилиш мажбурийдир.

Қўшимча капитални жалб қилиниши масалалари. Сўнгги йилларда дунёнинг барча банклари ривожланишни таъминлаш ва монотчилар rischi даражасини камайтириш учун қўшимча капитални жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор беришмоқда. Қўшимча капиталга бўлган талабнинг ошишига банк фаолиятини давлат томонидан тартибга олиниши ва рақобат курашининг кучайиши билан боғлиқ бўлган бир неча миллар ўз таъсирини ўтказди.

Энг асосий омиллардан бири инфляциядир – у банк активлари ва ассивлари миқдорини кўпайтирган ҳолда хусусий капитал миқдорини

камайтириб юборади. Иккинчи омил сифатида иқтисодиётнинг барқарор ҳолатда эмаслиги чиқади, чунки у банк даромадларининг олинмаслиги рискини кўпайтиради. Харажатларнинг (айниқса депозитлар бўйича фоиз тўловларининг) ошиб бориши банк ривожланишининг бош манбаси бўлган фойда даражасининг пасайишига олиб келади.

Банк фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солувчи органлар банкларда янги хизматларни жорий қилиш, янги филиалларни ташкил этиш чоғида банк капиталининг минимал миқдорини шакллантиришга эътиборни қатъий талаб қилишмоқда. Юқори капитализация даражасидаги банклар янги тармоқларга кириб бориб, ўз таъсири доирасидаги ҳудудларни кенгайтириб боришмоқда. “Кучсиз” капиталга эга банклар тартибга солишнинг жиддий таъсирини ҳис қилган ҳолда, ўз фаолиятида маълум чегараланишларга риоя қилишга мажбурдирлар.

Барча банклар капитал миқдорини режалаштиришни келгусида кўрсатмоқчи бўлган хизматлар билан мувофиқлаштиришга мажбурдирлар. Банк кўрсатмоқчи бўлган хизматларининг қайси бири рискли эканлигини (айниқса банкротлик ва даромадлилик даражасининг ўзгариши рискига таъсирчанлигини) аниқлаб олиши зарур. Янги хизматларнинг баъзи турлари рискларни камайтириб, капиталга бўлган талабни пасайтиради, бошқалари эса аксинча рискини кўпайтириб, капиталга бўлган талабни оширади. Албатта, банк янги хизматларни таклиф қилиши билан рискларни камайтириши ва капиталга бўлган талабни пасайтириш жараёни, биринчи навбатда банкни қанчалик сифатли бошқаришга боғлиқ эканлигини доимо инобатга олиш зарурдир.

Активларни классификация қилишга куп субъектив факторлар роль ўйнапти ва натижада активларни бир тойфадан бошқа тойифага ўтказиш унча катта муаммо эмас. Шу сабабдан бизларни фикримизча умумий активларга нисбатини мейёр сифатида олиши керак.

Ҳозирдаги банк бошқариш амалиётда умумий активларни суммасига ўлчалаётган кўрсаткич ҳам мавжуд.

“Левераж” – бу банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. У биринчи даражаси капиталнинг номоддий активлар қиймати, жумладан гудвиллни чиқариб ташлаган ҳолда умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Левераж коэффициентининг рухсат этилган энг кичик даражаси 0,06 га тенг (6 фоиз)

Солиқлар тўлангандан сўнг фойдадан капитални оширишга йўналтириладиган ажратмалар меъёрлари левераж коэффициентидан келиб чиққан ҳолда кўйидаги миқдорларда белгиланади:

А) левераж коэффициенти 0,15 гача бўлганда (0,15 ҳам киради) – фойдадан 30 фоиз;

Б) левераж коэффициенти 0,15 дан 0,30 гача бўлганда – фойдадан 20 фоиз;

В) левераж коэффициенти 0,30 ва ундан юқори бўлганда – фойдадан 10 фоиз.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ҳам асоратлари кучаяётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан чиқиш ва келажакда шу каби инқирозларга нисбатан тижорат банкларнинг бардошлигини ошириш мақсадида, банк назорати бўйича Базель кумитаси томонидан “Базель – 3” номини олган, банкларнинг капиталларини ошириш ва ликвидлигига қўйилган талабларни кучайтириш ҳисобига банк тизимининг молиявий барқарорлигини оширувчи талаблар мажмуаси ишлаб чиқилди ва 2010йил ноябрь ойида Сеул (Жанубий Кореяда) бўлиб ўтган катта йигирматалик – G-20 га кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг Саммитида қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатни қабул қилиш билан боғлиқ Ўзбекистонда ҳам норматив ҳужжатларга айрим ўзгартиришлар киргизилган. Масалан:

ЎР МБ нинг “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низомга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга асосан банк баланси активлари таваккалчилик даражаси беш гуруҳга бўлиниб, 150 фоизлик таваккалчилик коэффиценти қўшимча жорий қилинди. Яъни, суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган активларга 150 фоизли таваккалчилик даражаси қўлланилади.

Банк назорати бўйича Базель қумитасининг янги тавсияларига мувофиқ тижорат банкларининг капитали етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, тижорат банклари капитали таркибида уларнинг инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган барқарорлаштириш захираларини яратиш ҳамда банкларнинг ликвидлигини ошириш каби чоралар белгиланган.

Маълумки, ҳозирги кунда банк капитали етарлилигининг энг кам даражаси фақат банк активларининг кредит таваккалчилиги (мижознинг молиявий аҳволи ёмонлашиши оқибатида банк олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслик таваккалчилиги) суммасига нисбатан аниқланади.

Янги талабларга асосан, 2015 йил 1 январдан бошлаб банк капитали етарлилигининг энг кам даражаси банкнинг кредит таваккалчилиги суммаси билан бирга банкнинг операцион ва бозор таваккалчиликларини ҳам ҳисобга олади.

Операцион (ОТ) ва бозор (БТ) таваккалчилиги суммалари қўйидагича аниқланади:

ОТ = 10 х (банкнинг охириги уч йиллик жами даромадлари суммасини ўртача х 15 фоиз);

БТ = 10 х (очиқ валюта позициясини йиғма миқдори х 10 фоиз);

Жами даромад = (фоизли даромадлар – фоизли харажатлар) + бошқа даромадлар.

Шунингдек, мазкур Низомга киритилган ўзгартиришлар, банкларнинг капитал етарлилигига қўйилган минимал талаблар банк назорати бўйича Базель қўмитасининг охириги тавсияларига кўра босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти (К) нинг энг кам даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида ўрнатилади. Ҳозирги кунда ушбу минимал талаб 0,1 (10 фоиз) коэффиценти ташкил қилади.

Тижорат банклари 2019 йил 1 январдан бошлаб эса К1 нинг энг кам даражасини таваккалчиликка тортилган активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги консервацияланган капитал буферини ҳисобга олган ҳолда 0,145 (14,5 фоиз) миқдорида таъминлашлари лозим бўлади.

Консервацияланган капитал буфери таваккалчиликка тортилган активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захира ҳисобланади. Ушбу захирани ташкил этишдан мақсад, банклар молиявий ва иқтисодий танглик даврида йўқотишларни амортизациялаш учун фойдаланиладиган захира капитали мавжудлигининг кафолатидир.

Шу билан бирга, биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти 2016 йил 1 январдан бошлаб К2 нинг энг кам даражаси 0,075 (7.5 фоиз) миқдорида ўрнатилади. Ҳозирги кунда биринчи даражали капиталнинг етарлилик минимал коэффиценти 0,05 (5 фоиз) миқдорни ташкил қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, МБ юқорида келтирилган Низом ва “ЎР МБ тўғрисидаги қонуннинг 52-моддаси ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ банклардан банк фаолияти, иқтисодий вазият ва молиявий аҳволига хос

таваккалчиликка қараб капитал етарлилигининг янада юқори коэффициентлари таъминлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Юқорида келтирилган қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш имкониятларини яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки Базель III да тижорат банкларнинг капитал етарлик даражасига қўйиладиган талаблар анча баланд. Масалан: 2019 йил 1 январдан бошлаб ушбу коэффициент 14.5% фоизни ташкил қилиниши лозим.

Лекин ушбу баланд талаблардан кўрқмаслигимиз лозим, чунки бугунги кунда банк тизими капиталнинг етарлилик даражаси 24.2 фоизни ташкил қилиб, халқаро банк назорати бўйича Базель қумитаси томонидан қабул қилинган минимал талабга (8 фоизга) нисбатан 3 баробарга юқори бўлса, банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири бўлган банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йиллардан буён 65 фоиздан юқори бўлиб, ўрнатилган минимал даража (30 фоиз) дан 2 баробарга кўпдир.

Базель 3 талабларига мувофиқ умумий капиталига нисбатан етарлик даражаси 8% қолади аммо 2,5% фоиз миқдорда “буфер” капиталини қўшса талаб 10,5% ни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса умумий капиталга нисбатан етарлик даражасига талаб 10% фоизни ташкил қилияпти. “Буфер капиталдаги” талабни қўшса 12,5% бўлади. “Контрциклик капитал” эса талабларга мувофиқ 0-2,5% фоизни ташкил қилиши мумкин деб ёзилган холос аммо умумий курсаткичга ушбу мейёр қўшилмаяпти.

Базель-III банкларга аслида йўл қўйилган зарарларни эмас балким кутилиши мумкин зарарларни ҳисобга олиб шаклланишига тавсия берилади.

Базель қумитасининг талабларини бизлар назарга олинмасилиги мумкин эмасмиз, чунки ушбу келишувга Республикамиз аъзо ва тижорат банкларимиз жаҳон миқёсига кириятти ва ҳар хил турдаги халқаро операцияларни амалга ошириятти. Халқаро фаолиятига қараб етакчи рейтинг агентликлар банкларга рейтинг ўрнатилади ва шу жараёнида улар Базель қумитасининг талабларнинг амалга жойлаштирилишини ҳам инобатга олинади.

1 даражали базавий капиталидан CET1 дан секин аста айрим активларни шу жумладан кейинги муддатга мейёридан ошган қолдирилган солиқ активлардан, ипотека кредитларни ва бошқа молиявий инструментларни бошқариш ҳуқуқлар чиқарилишни таъминлаш.

2014 г. – 20%, 2015 г. – 40%, 2016 г. – 60%, 2017 г. – 80%, 2018 г. – 100%, 2019 г. -100%;

Фақатгина яхши менеджментини принципларига риоя қилиш банкларнинг ликвидликлигини сақлашга етарли даражада таъминлашмаганлигини инобатга олиб, халқаро тажрибанинг илғор тажрибасини инобатга олиб Базель-III принципларда ликвидликни бошқариш мақсадида 2 янги нормативларни жорий этилишга тавсия берилган. Ушбу нормативлар ўзининг мазмун ва моҳиятига қараб қисқа ва узоқ муддатли ликвидликни ўзига хос томонларни акс эттириятти.

Биринчиси ликвидликни қоплаш коэффициентини 2015 йил 1 январдан жорий этилишига, иккинчиси нетто фондлашган устувор коэффициентини жорий этилиши 2018 йилдан тавсия берилган.

Қисқа муддатли ликвидлик норматив умумий тарзда қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

30 кун муддатга ҳисобланади:

Ликвидлик активларни захираси $\geq 100\%$

Соф пуллик чиқимлар

Ушбу нормативни мақсади 30 кун давомидаги бўлиши мумкин тўсатдан маблағларни банкдан чиқарилишини қоплашга банкнинг активларни ичида зарурий миқдордаги ишончли ва ликвиддик активларини мавжудлигини ифодалашдан иборат.

Нетто фондлашган устувор коэффициент:

Нетто фондлашган устувор коэффициент устувор молиявий манбаларни узоқ муддатга зарур миқдордаги манбаларга нисбати.

Зарур миқдордаги устувор фондлар > 100%

Чиқим бўлиши мумкин устувор фондлар

Ушбу коэффициентини мақсади – ўрта ва узоқ муддатдаги актив операцияларни амалга ошириш мақсадида зарурий миқдордаги маблағ мавжудлигини аниқлашдан иборат.

Устувор маблағларни мавжудлиги қўйидаги мажбуриятлардан иборат: дисконт коэффициентига коррективроқ қилинган капитални ҳисобга олинган 1 бир йилдан зиёд муддатдаги имтиёзли акциялар, 1 йилдан зиёд муддатдаги банк мажбуриятлари; инқироз вақтда ҳам банкда қоладиган талаб қилиб олинган депозитларни қисми, номолиявий корпорациялардан олинган бир йилгача молиялаштириш маблағлари.

Назорат идоралар томонидан талаб қилинадиган устувор фондларни ҳажми – банкнинг активларнинг қиймати таалуқли коэффициентларга кўпайтирилган ҳолатда ҳисобланган миқдорини ташкил қилади.

**Нетто фондлашган устувор коэффиценти ҳисоблашда
фойдаланаётган дисконт факторлар**

Мавжуд устувор фондлар (манбалар)		Зарурий миқдордаги устувор фондлар (фойдаланиш манбалар)	
мавқе	Мавжудлигини фактори %	мавқе	Талаб қилиниш факторлар %
ва 2 даражали капитал инструментлар йилдан зиёд муддатдаги мажбуриятлар	100 (100)	Нақд пуллар Актив савдо қилинадиган воситалар. 1 бир йил муддатгача Молия компанияларга ажратилган кредитлар. 1 бир йилга муддатдаги қиматли қоғозлар	0 (0)
йилгача муддатдаги жисмоний шахсларнинг ва кичик бизнес субъектларнинг устувор (стабил) депозитлар	90 (85)	Давлат ва Халқаро молия институтлар (ХВФ ва бошқалар) томонидан чиқарилган қарз мажбуриятлар	5 (5)
йилгача муддатдаги нча устувор ўлмаган жисмоний шахсларнинг ва кичик бизнес субъектларнинг депозитлар	80 (70)	1 бир йилдан зиёд муддатдаги AA+ ва ундан баланд рейтингга эга корпоратив қиматли қоғозлар	20 (20)

1 йил муддатгача номолиявий ташкilotлардан олинган молиялаштириш маблағлар	50 (50)	1 бир йилдан зиёд муддатдаги А+ дан А- гача рейтингга эга корпоратив қимматли қоғозлар. Олтин. 1 бир йилгача муддатдаги корпоратив кредитлар.	50 (50)
Бошқа мажбуриятлар	0 (0)	Ипотека билан таъминланган ҳар қандай муддатга ва Базел II стандартлашган талабларга мувофиқ 35% гача тавақалчилигига эга кредитлар	65 (-)
		1 бир йил муддатгача хусусий шахсларга ажратилган кредитлар	85 (85)
		Бошқа активлар	100
		Балансдан ташқари операциялар	
		Талаб қилинмаган кредит линияларни маблағлари	5 (10)
		Бошқа шартли мажбуриятлар	Назорат органларининг қарорига мувофиқ

Изоҳ: Қавсда факторларни эски миқдорларни кўрсатилган

Агар Базел III да базавий капиталга 4,5%, асосий капиталга – 6% ва умумий капиталга 8% ўрнатилишини режалаштирилган бўлса, Россияда ушбу коэффициентларни қўйидаги миқдорда ўрнатилмоқчи базавий

(қўшимча шартлар билан субординирлашган қарз маблағлар) аста секин тижорат банкларнинг капитал базасидан чиқарилади.

2 даражали капитал (tier 2 capital) қўйидаги қисмлардан иборат:

- очилмаган захиралар (аудитор хулосаси билан тасдиқланмаган жорий йилдаги фойда)

- айрим банк активларни қайта баҳоланган захиралар: асосий воситаларни қайта ҳисобланган қиймат ҳамда қимматли қоғозларни “яширилган” қайта баҳоланган узоқ муддат давомида банк балансида акс эттирилган захиралар (Россия банк тажрибасида улар мавжуд эмас)

- шубҳали қарзларни қоплашга йўналтирилган умумий захиралар (ссудалар бўйича йуқотишларни қоплашга йўналтирилган умумий захиралар)

- капитални гибрид инструментлари (бир вақтни ўзида ҳам капитал ҳам қарз ифодалувчи мажбуриятларни акс эттирувчи хусусиятларга эга воситалар), Россиялик тажрибасида булар имтиёзли акциялар;

- субординар қарздорликлар.

Агар Базель I ва Базель II келишувларда чиқармалар ҳам 1 даражали ҳам 2 даражали капиталдан амалга оширилиши мумкин бўлса, янги талабларга мувофиқ чиқармаларни асосий қисми биринчи даражали базавий капитал зиммасига тўғри келади.

Консультатив ҳужжат бевосита 1 ва 2 даражали капиталлар билан боғлигини ўрнатилмаяпти. Ушбу нисбатини хатарларни қоплаш мақсадида капиталига нисбатан ўрнатилган етарлик даражасига минимал талаблар орқали тартибга солинади.

$$\frac{\text{Common equity tier 1 capital}}{RWA} \geq 4,5\%;$$

$$\frac{\text{Tier 1 capital}}{RWA} \geq 6\%;$$

$$\frac{\text{Total regulatory capital}}{RWA} \geq 8\% .$$

RWA – хатарларни ҳисобга олинган активлар.

Ундан ташқари консултатив ҳужжатда иккита буфер капитални ташкил қилиши назарда тутилган: консервация (conservation) ва контрциклик (countercyclical buffer range) буфер капиталлар. (7) Қайд қилинган буфер капиталларни ташкил қилиш мақсади минимал талабларга қўшимча талаб ўрнатилиши билан фойдасини тақсимланишига чегирмаларни жорий қилиш ҳисобидан зарурий миқдордаги капитални етарлик даражасини таъминлашдан иборат.

Тизимли иқтисодий таназул даврида банк тизимидаги зарарларни коплаш мақсадида консервация буфер капитал ва тескари ҳолатда ортиқча кредит фаоллигини олдинни олиш мақсадида контрциклик буфер капитал ташкил қилинади. Буферларни миқдори хатарларни ҳисобга олинган активларни қаттиқ ўрнатилмаган қисмини ташкил қилади.

Жадвал 10.

**Буфер капиталларни ҳисобга олинган ҳолда банк капиталига
нисбаттан ўрнатилган талаблар миқдори**

	Биринчи даражали базовий капитал первого уровня	Биринчи даражали капитал (шу жумладан биринчи даражали базавий капитал ва биринчи даражали қўшимча капитал)	Жами капитал
Минимал талаблар	4,5%	6%	8%
Консервация буфери		2,5%	
Буфер капитални ҳисобга олинган минимал	7%	8,5%	10,5%

талаблар			
Контерциклик буфер	0 дан 2,5% гача		

Базель III талабларини жорий қилишга бир неча йиллар ва этаплар талаб қилади уни охирдаги муддатларга келиб банк тизими тўлиқ қабул қилинган талабларга риоя қиладиган тизим бўлиши лозим.

Ушбу қоидаларни жорий қилиш билан банк тизимида нима ўзгаради ва қанақа ўзгартиришларга олиб келади?

Базель қумитасининг Базель III талаблари қуйидаги асосий ҳужжатда ўз ифодасини топилган: ушбу ҳужжатни номи “ Самарали банк назоратини тизимининг асосланувчи принциплар”. Ушбу ҳужжат 1997 йил нашр қилинган ва унда қисқача банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги асосларни акс эттирилган.

Ушбу принциплар умумий банк тизимига таалуқли характерга эга бўлиб банк фаолиятини лицензиялаш, банк капиталини етарлик даражасини аниқлаш борасидаги мейёрларни аниқлаш, кредитлар буйича йўл қўйилиши мумкин зарарлар бўйича зарурий миқдордаги захираларни шакллантириш, банк бухгалтериясини халқаро талаблар бўйича олиб боришни қамраб олинади.

Аммо ушбу талабларга риоя қилиш ҳар битта давлатни миллий хусусиятларни инобатга олиши керак. Банк тизимини давлатларни бошқарув органлар ички бозордаги хатарларни минималлаштириш мақсадида ушбу стандартларни қай даражада амалиётга тадбиқ этилишини ўзи қабул қилиши лозим.

Ҳозир замондаги жаҳон иқтисодиётни ва молиявий бозорларни глобалашув жараёнида Ўзбекистонни Халқаро Базель келишувни банк назоратини асосий принципларга қўшилиши албатта банк тизимини самарадорлигини оширишига қўмаклашади, Ўзбекистондаги йирик

тижорат банкларни халқаро банк операцияларни баробар ҳуқуқ берувчи аъзо сифатида қатнашувчилар сифатида қўшилишига, хорижий сармоячиларни ишончини кўтарилишига асос солинади ва биринчи даражали масалла ҳисоблаш мумкин.

Бир томондан Базель-3 талаблари қаттиқроқ кўринади ва айрим тижорат банкларни енгил эмас ҳолатига олиб келиши мумкин. Бошқа томонидан эса Базель-3 талабларни амалга жорий этилиши мўайян вақт (2019 йилгача) талаб қилади ва ушбу тижорат банкларга зарарсиз ёки қарийиб зарарсиз капитални зарурий миқдоргача кўтарилишига қўшимча имкониятлар яратилади.

Европа мамлакатлардаги тижорат банкларга Базель-3 тижорат банкларнинг 2010 йилдаги ҳисоботларга қараганда 2019 йилгача 1 даражали капитални зарурий миқдорга таъминлаш мақсадида 1,1 трл , қисқа муддатли ликвидлик талабларни таъминлаш мақсадида 1,3 трл ва узоқ муддатли ликвидликни таъминлашга тақрибан 2,3 трл қўшимча маблағларни жалб қилинишини талаб қилади. Ушбу рақамлар жуда баланд рақамлар ҳисобланади. Ҳозиргача Европадаги банклар шунақа миқдордаги вазифаларни бажарилмаган.

Америкалик банкларга ушбу босим унча баланд бўлмайди аммо барибир биринчи даражали капиталга қўшимча талаб агар долларни еврога нисбати алмаштириш курсини 1,33 доллар 1 еврога инобатга олинса \$800 млрд. (600 млрд.), қисқа муддатли ликвидликни таъминлашга \$758 млрд. (570 млрд.) ва узоқ муддатли ликвидликни таъминлаш мақсадида \$2,9 трлн. (2,2 млрд.) қўшимча маблағлар талаб қилади.

Зиядуллаев Н.С. ўзининг мақолада хулоса қилияптики Базель-3 талабларни охиргача бажариш учун қўшимча капиталига талаб ҳозирдаги Европа ва Америкадаги 1 даражали капитални 60% га ликвидлик маблағлар эса жами қисқа муддатли активларни ўсишини 50% ўсишини талаб қилади.

Айрим мутахассислар Базель 3 талабларни бажарилиши банк сизматларини қиматлашишига олиб келиши мумкинлигини ва хусусан банк фойдасини камайтирилишини кутилиши мумкин деб хулоса қилмоқда. Базель III капитал рентабеллигини (англ. return on equity) Европа банклар учун 4% га ва Америка банкларда 3% фоизга камайтирилишига олиб келишини кутилмоқда.

Ҳозир замондаги тижорат банклар Базель III талабларни амалга ошириш мақсадида қадам бо қадам банкни ташкилий тизимини такомиллаштиришни, капитални сифат даражасини яхшилашни, банк инвестицияларни хатар даражасини камайтирилиши, банк қарздорлигини камайтирилишини ва ликвид активларни сифатини оширишни, банк персоналга қўйиладиган талабларни баланд қилишини бажарилиши лозим.

Базель III реформаси банк капиталини реал активлар билан тўлдирилишига талабларни қаттиқлашини ва уларни таркибига келгусида фақат реал котировка қилинадиган оддий акцияларни ва тақсимланмаган фойдасини киргизиш мумкинлигини ва ҳеж вақт (албатта маълумотни яширишни, ишончини оқланмаслиги ва қалбақиллаштиришни устидан назорат қилинмайдиган ҳолатлардан истисно тарзида) фиктив активларни, олдинги вақтлар ушбу ҳолатлар кўп ҳолатларда АҚШ да хусусан инвестицион ва Европа банкларни амалиётда кўп ҳолатда фойдаланилган.

Россиялик мутахасислар хулоса қилияптики Базель талабларни жорий қилиш банкларни катталиши ва тижорат банкларни сонини камайтирилиши жараёнини тезлаштирилишига олиб келади.

Базель III да айрим умумий ва конкрет қўшимча чора-тадбирлар мавжудки уларни амалга оширилиши инобатга олиши зарур. Барча банклар фаолият туридан ва капитал миқдоридан қарамасдан айрим объектив сабабларни инбатга олиб зарурий чора-тадбирларини кўриб

қилиши лозим. Ушбу чора-тадбирлар қўйидагиларни таъминланиши лозим:

- Янги қойидаларни оптимал тарзида жойлаштирилиши самарасиз капитални камайтирилишини ва ликвидликни кўпайишини кутилиши лозим;

- маҳдуд миқдордаги ресурсларни оптимал тарзда бошқариш мақсадида капитални сифатини оширишга ва ортиқча капиталга талабини камайтирилишига йўналтирилган мақсадида бухгалтерлик балансини структураризация қилиш зарурлигини инобатга олиши лозим;

- самарали капитал, юқори ликвидлик ва арзон банк маҳсулотлари даражаси билан таъминланган, ўзгарувчан ва оператив тизимларни шакллантириш мақсадида бизнес-моделларни аниқлаш лозим.

Россиялик банклар юқори даражали капитал етарлигига талабларни қароитида, жорий ликвидликни таъминлаш мақсадида, балансини ортиқча етарли активларни ҳисобидан шакллантирилган. Банкларни фойдасини оширилишини таъминлаш мақсадида қисқа ва арзон жалб қилинган активларни узоқ ва қиммат активларга жойлаштирилган ва натижада ликвидлик камайтирилган.

Ўзбекистондаги тижорат банкларда ҳам қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли активларга жойлаштирилиши ҳолатлар кўп учрашади. (Таблица 1 даги рақамларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин)

Ўзбекистондаги банкларни капитал даражаси унча баланд эмаслиги, қисқа бозордаги ликвидлик билан боғлиқ муаммолари Базель III талабларни тоғ маънода жорий этилишидан воз кечишига сабаб бўлиши мумкин эмас. Аммо унинг аниқ жорий қилиш механизми Ўзбекистондаги банкларни аниқ имкониятлардан келиб чиқиши лозим.

Қисқа (30 кунгача) ва узоқ (бир йилгача) муддатли ликвидликни таъминлаш мақсадида зарурий миқдордаги активларга минимал талабни қўйилган. Шу билан боғлиқ капитални етарлик даражасига

рнатилган талаб яъни реал капитални банкнинг умумий миқдордаги активларга (захираларни ва таъминланган активларни чиқарилган ҳолда) исбатига талаб ҳозирдаги 8% фоиздан 10,5 фоизгача ошади.

Албатта ушбу ўзгаришлар ижобий натижа фақатгина агар улар слида тўғри бўлса ижобий натижада берилади. Ушбунини фақатгина агар аклиф қилинган қойидалар олдиндаги фиктив капитал билан манипуляция илиш ва сохта нормативларни таъминлашини олдини олади.

Базель III барибир айрим миллий банкларни давлат томонидан қуллаб увватлаш сиёсатидан холи бўлмайди. Ўзбекистонда ҳозирги даврда ҳам давлат томонидан йирик тижорат банкларни капитални кўпайтиришга йирик миқдорда маблағларлар йўналтирилади. Давлат томонидан қуллаб увватлаш информацион, технологик ва методолик таъминлашидан иборат бўлиб ва айрим ҳолатларда тижорат банкларга бевосита ёрдам беришдан иборат.

Ҳозирги даврда молия-банк тизимини ривожланиши жаҳон иқтисодиётни глобаллашув тарақиётидан четда қолишини тасавур қилиш ниҳоят душвор, чунки модернизация қилинадиган иқтисодиётни тарақий этилишига фақатгина ички ресурсларни миқдори етмайди ва уларни четдан ривожланган халқаро бозорлардан жалб қилишини зарур бўлади.

Ҳозир даврдаги миллий молия банк тизимининг ривожланиши ва тарақиётни иновацион йуллари билан муайян зиддиятни кўриши мумкин. Айри томонидан миллий банкларни молиявий бозордаги глобаллашув қараёнига қизғин суратда қўшилиб кетиши иқтисодиётдаги хорижий бозоридаги кризис аломатлари миллий бозорига ҳам ўтишига сабабчи восита бўлиши мумкин.

Бошқа томонидан Ўзбекистондаги банкларни ҳар хил поғонадаги халқаро операцияларда чуқур қатнашиши иқтисодиётни модернизация қараёнида самарали қатнашишига ва жаҳон бозоридан қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишга кўмаклашади.

Боб бўйича хулосалар

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш борасидаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагилар аниқланди:

- республикамизнинг тижорат банкларининг 93 фоизида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги
- тижорат банкларида қайта баҳолаш суммаси миқдорининг нисбатан кичик эканлиги;
- тижорат банклари қошида кредит муассасалари очиш амалиётининг такомиллашмаганлиги;
- девальвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари республикамиз тижорат банклари капиталининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди;

- Базель-III стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бири-бирдан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим.

- Базель-III томонидан капиталга нисбатан ўрнатилаётган талаблар ҳозирдаги талабларга нисбатан сезиларли даражада баланд, лекин ушбу баланд талаблардан қўрқмаслигимиз лозим, чунки бугунги кунда банк тизими капиталнинг етарлилик даражаси 24.2 фоизни ташкил қилиб, халқаро банк назорати бўйича Базель кумитаси томонидан қабул қилинган минимал талабга (8 фоизга) нисбатан 3 баробарга юқори бўлса,

банк барқарорлигини баҳолаш омилларида бири бўлган банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йиллардан буён 65 фоиздан юқори бўлиб, ўрнатилган минимал даража (30 фоиз) дан 2 баробарга кўпдир.

ХУЛОСАЛАР

- Мамлакат банк тизимининг капиталлашув даражаси халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий андозадан бирмунча паст. Агар 2014 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот 119,0 трл.сўмни ташкил қилинган бўлса, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз тижорат банклари капиталининг миқдори 6,5 млрд сўмни ташкил қилинган яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи 5,4 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткичнинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун 8 фоиздан паст бўлмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг таркибида захира капиталининг салмоғи 70 фоиздан юқори бўлган даражани ташкил қилди. Ўз навбатида, захира капиталининг 90 фоиздан ортиқ қисмини девальвация захираси суммасига тўғри келиши мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг барқарорлик даражасини паст эканлигидан далолат беради. Халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш борасидаги меъёрий –услубий ишланмаларига мувофиқ, девальвация захирасини тижорат банклари капиталининг таркибида ҳисобга олиш таъқиқланади.

Девальвация захираси Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари асосий капиталининг таркибига киритилган. Бу эса, банкларнинг капитал базаси мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки девальвация захираси барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланмайди.

- Халқаро Базель қўмитасининг қўшимча капитал таркибини шакллантириш тўғрисидаги талабларини республикамиз банк амалиётида қўллаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари қўшимча капиталининг таркиби Базель стандартида кўзда тутилган қўшимча капитал таркибидан деярли фарқ

қилмайди. Фақат республикамиз банкларининг қўшимча капитали таркибида Базель қўмитасининг стандартида кўзда тутилмаган жорий йил фойдаси мавжуд.

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш борасидаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагилар аниқланди:

- республикамизнинг тижорат банкларининг 93 фоизида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги
- тижорат банкларида қайта баҳолаш суммаси миқдорининг нисбатан кичик эканлиги;
- тижорат банклари қошида кредит муассасалари очиш амалиётининг такомиллашмаганлиги;
- девальвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари республикамиз тижорат банклари капиталининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди;

- Базель-III стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бири-бирдан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим.

- Базель-III томонидан капиталга нисбатан ўрнатилаётган талаблар ҳозирдаги талабларга нисбатан сезиларли даражада баланд, лекин ушбу баланд талаблардан қўрқмаслигимиз лозим, чунки бугунги кунда банк тизими капиталнинг етарлилик даражаси 24.2 фоизни ташкил

, халқаро банк назорати бўйича Базель қумитаси томонидан қабул
ган минимал талабга (8 фоизга) нисбатан 3 баробарга юқори бўлса,
барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири бўлган банк тизимининг
ликвидлик даражаси бир неча йиллардан буён 65 фоиздан юқори
, ўрнатилган минимал даража (30 фоиз) дан 2 баробарга кўпдир.

- Активларни классификация қилишга куп субъектив факторлар роль
пти ва натижада активларни бир тойфадан бошқа тойифага ўтказиш
катта муаммо эмас. Шу сабабдан бизларни фикримизча умумий
ларга нисбатини мейёр сифатида олиши керак.

Ҳозирдаги банк бошқариш амалиётда умумий активларни суммасига
ўтган кўрсаткич ҳам мавжуд.

“Левераж” – бу банк жами активларининг капитал билан
нланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. У биринчи
аси капиталнинг номоддий активлар қиймати, жумладан гудвиллни
қоб ташлаган ҳолда умумий активлар суммасига нисбати сифатида
анади.

Левераж коэффициентининг рухсат этилган энг кичик даражаси 0,06
г (6 фоиз)

Солиқлар тўлангандан сўнг фойдадан капитални оширишга
гириладиган ажратмалар меъёрлари левераж коэффициентидан
чиққан ҳолда қўйидаги миқдорларда белгиланади:

А) левераж коэффициенти 0,15 гача бўлганда (0,15 ҳам киради) –
дан 30 фоиз;

Б) левераж коэффициенти 0,15 дан 0,30 гача бўлганда – фойдадан 20

В) левераж коэффициенти 0,30 ва ундан юқори бўлганда – фойдадан
из.

- Айни вақтда, Республикамизда тижорат банклари фаолиятини
ўзига солиш борасида ҳал қилинмаган масалалар, камчиликлар ҳам

мавжуд. Чунончи, тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг нисбатан юқори даражада қолаётганлиги, айрим йирик тижорат банкларининг барқарор ресурслар базасининг заифлиги, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий захира талабларининг жуда юқорилиги, банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш борасидаги ва бошқа шу каби муаммолар шулар жумласидандир.

- Базель III талабларга мувофиқ қисқа ва узоқ муддатли ликвидлик коэффициентлари жорий қилинади. Аммо Ўзбекистондаги тижорат банклардаги жорий ликвидлик коэффициент 65% ни ташкил қилияпти. Базель III талаблари бўйича эса ушбу мейёр 100% ни ташкил қилиши лозим. Шу сабабли бизлар таклиф қилияпмизки 2015 йилдан бошлаб ушбу норматив миқдорини - 50%, 2016 йилдан - 75%, 2017 йилдан бошлаб ушбу нормативни 100% миқдорида ўрнатилиши лозим.

- Халқаро Базель қўмитаси томонидан барча давлатлардаги банкларга нисбатан белгиланган, яъни иккинчи даражали капиталнинг ҳажми биринчи даражали капиталдан ошиб кетмаслиги тўғрисидаги талаби бугунги кунда бизнинг республикамизда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳозирги даврда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган субординар қарзлар ва дериватив молиявий инструментлар миллий банк амалиётимизга кириб келгани йўқ. Шу билан бирга уларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳам ҳуқуқий норматив база яратилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-І.
3. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» Тошкент: Ўзбекистон 2003 йил 11 бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 24 декабр
5. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонуни, 2006 йил 6 май
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни, 2006 йил 24 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2007 йил 12 июль. ПҚ-670.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2007 йил 7 ноябрь, ПҚ-726.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2010 йил 6 апрель. ПҚ-1317.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2008 йил 16 октябрь, №ПҚ-986.

5. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий диверсификациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й.

6. «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й.

7. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган қўшма муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2009 йил 28 июлдаги, №ПҚ-1166 сонли

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва рағбатдорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Қарори. 2010 йил. 26 октябрь. ПҚ-1438.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли давлатчилик жамият барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Асосий қадриятимиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада кўпайтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б. 57.

2. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

3. И.А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 19.05.2000 й. №

2. «Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом. 2007 йил 15 августдаги 174-сон.

3. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депотентлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2004 йил 31 декабрь.

4. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисида»ги Низом 2004 йил 16 сентябрь.

5. «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида» Марказий банки бошқарувининг Қарори 2004 йил 24 январь 1304-сон.

6. Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Очиқ валюта позициясини юритиш» қоидаларининг 2-банди.

7. “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига кўйилган талаблар тўғрисида Низом” га кўра (Ўз,Р.АВ да 949 сон билан 2000 йил 25 июлда давлат рўйхатига олинган):

8. 2. ЎР МБ нинг “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига кўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низомга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчаларга шарҳ, 2012 йил 29 декабрдаги 36/2-сонли қарори, ЎР Адлия вазирлигида 2013 йил 30 январда 949-7-сон билан давлат рўйхатига олинган. Банк ахборотномаси №7 2013 йил 13 февраль

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 8 февралдаги 8сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банклар фаолиятини назорат қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларни юритиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги йўриқнома ва норматив ҳужжатлар

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги № 422-сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги низом

11. Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан кўйиладиган талаблар тўғрисида. Низом (ЎР Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14\2 – сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2011 йил 25 майда 2229-сон билан давлат рўйхатига олинган)

12. Тижорат банклари капиталининг етарлилигига кўйиладиган талаблар тўғрисида Низом (янги таҳрири), 2000 йил 25 июль, 949-сон

13. Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, 1999 йил 11 февраль, 632-сон

14. Банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида Низом 1998 йил 2 декабрь, 556-сон

15. Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига ўхри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида Низом, 1998 йил 2 декабрь, 557-сон.

16. Тижорат банкларининг кўчмас мулкка қилинган инвестицияларига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом, 1998 йил 19 декабрь, 572-сон.

17. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталда қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом, 2009 йил 2 февраль, 1894-сон

18. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида Низом Адлия вазирлигида 1998 йил 2 декабрда 559-сон билан қўйихатига олинган.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.

2. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш. Илмий монография, Т.:Академнашр, 2009 йил. -141 б.

3. Стратегия опережающего развития России в условиях глобального кризиса. Акад.С.Ю.Глазьев

4. Даминов Ф.М., Тойиров Ю.А. Банк менежменти ва маркетинги. Маъруза матнлари (1 қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2013 й -310 с. (130 с.)

5. Банковское дело: учебник. / Г.Н. Белоглазова. - Москва: Финансы и статистика, 2006. - 592с.
6. Валенцева Н.И. Организация деятельности коммерческого дело: учебно методический комплекс. - Москва: 2004.-40с.
7. Лаврушин О.И. Анализ экономической деятельности клиентов банка. - Москва: Инфра-М, 1996.—80с.
8. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. - Москва: Финансы и статистика, 2010. - 594с.
9. Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки. - Москва: КНОРУС, 2005. - 558с.
- 10.Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2008. -264 с.
- 11.Банковские риски. под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой; Финансовая академия при Правительстве РФ. -2-е изд., стереотип.. -М.: КноРус, 2008. -232 с. -
12. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело./ Л.Р. Миллер. - Москва: Инфра-М, 2000. - 856с.
13. Селищев А.С. Денги. Кредит. Банки. / А. С. Селищев. - Спб.: Питер, 2007. - 432с.

Даврий нашрлар, статистик тўпламалар ва ҳисоботлар

1. Базель III. Анализ новых требований Базельского комитета. -Scorto. 2010.
2. Базельский комитет по банковскому надзору. Международная конвергенции измерения капитала и стандартов капитала: новые подходы. Июнь 2004. (Базель II) Банк международных расчетов.
3. Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. Консолидированная финансовая отчетность и

отчет независимых аудиторов за год закончившийся 31 декабря 2013 года.

4. Дилафруз Мухтарова "Эволюция требований Базельских нормативов по банковскому надзору" БПК, 32 2014 г. с. 37-43

5. Файзулла Муллажонов "Самарали банк назорати – банк тизими барқарорлиги гарови" БПК №8, 2012 йил с. 4-9

6. Международные стандарты по оценке риска ликвидности, стандартам и мониторингу (Базель III) 2010 г.

7. Поправка к Базелю III о рыночных рисках.

8. Глобальные регулятивные стандарты по повышению устойчивости банков и банковских систем (Базель III). 2010-2011 гг.

9. Повышение устойчивости банковского сектора (Опубликовано для представления комментариев до 16 апреля 2010 года) декабрь 2009 г.

10. Положение ЦБ №387-П «О порядке расчета кредитными организациями величины рыночного риска»

11. Субординированные кредиты в расчете собственных средств кредитной организации и порядок их конвертации в обыкновенные акции (доли) кредитной организации по Базелю III. Доклад Ассоциации региональных банков России. Москва 2013

12. Методика Кромонава ([www. Rbc.ru/ kromonov.shtml](http://www.Rbc.ru/kromonov.shtml)) для оценки надёжности-ликвидности банка

13. Лимит риска по операциям в рублях и валюте по системе Сбербанка.

14. Указание Банка России от 16.01.2004 N 1379-У "Об оценке финансовой устойчивости банка в целях признания ее достаточной для участия в системе страхования вкладов" - для банков, входящих в систему страхования вкладов.

15. Указание Банка России от 30.04.2008 N 2005-У "Об оценке экономического положения банков" - для всех банков.

16. Закон Украины Об обеспечении требований кредиторов и гистрации обременений. Опубликовано в Бухгалтерии №8 (579) от .02.2004 г.

17. Оценка достаточности капитала в Российских банках в ответствии с новымиПустовалова Т.А., Прохорова И.С.

18. Воловник А.Д., Зиядуллаев Н.С., Кибардина Ю.С. Базель-III: пытание надежности банковской системы России в условиях глобальной нкуренции. Экономика мегаполисов и регионов. 2011 г, №3 июнь с.40-49

19. Симановский А. Достаточность банковского капитала: новые дходы и перспективы их реализации // Деньги и кредит, 2000, №6.-с. 25.

Авторефератлар

1. Джуманиязова Б.С. Ўзбекистон тижорат банклар италишиши даражасини ошириш йуллари. И.ф.н. илмий даражасини иш учун такдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, БМА, 011 йил 20 с.

2. Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкнинг тижорат анклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. .ф.н. илмий даражасини олиш учун такдим этилган диссертация зтореферати. Тошкент, БМА, 2010 йил 20 с.

3. Кибардина Юлия Сергеевна “Международная деятельность оссийских банков в условиях трансформации мировой банковской истемы” Автореферат на соискание ученой степени кандидата кономических наук;М 2013 г 21 с.

Интернет сайтлар

1. <http://www.cbu.uz/> (Ўзбекистон Марказий банки)
2. <http://www.gov.uz/> (Ўзбекистон Ҳукуматини сайти)
3. <http://www.nbu.com> (Миллийбанкни сайти)

Срок погашения/ Показатель	до 30 дней		до 1 года		от 1 года до 3 лет		от 3 до 5 лет		свыше 5 лет		Итого по кредитному портфелю	
	Остаток	% ставка	Остаток	% ставка	Остаток	% ставка	Остаток	% ставка	Остаток	% ставка	Остаток	% ставка
1.Срочные депозиты	2 201 500 000,00	0,00	5 349 355 320,40	20,05	23 800 998 480,80	6,19	818 423,67	2,00	398 560 006,93	5,55	31 751 232 231,80	8,26
1.1. Депозиты физических лиц	1 500 000,00	2,25	5 348 766 052,61	20,06	488 068 521,94	20,43	0,00	0,00	398 560 006,93	5,55	6 236 894 581,48	20,01
1.2. Депозиты юридических лиц	2 200 000 000,00	0,00	589 267,79	0,30	23 312 929 958,86	5,89	818 423,67	2,00	0,00	0,00	25 514 337 650,32	5,38
2. Кредиты за счет собств. средств	983 862,16	18,00	10 486 846 117,88	17,58	6 889 802 548,71	15,75	18 180 043 594,56	15,40	10 189 259 181,02	13,43	45 746 935 304,33	15,51
3. Разница между объемом депозитов и кредитов	2 200 516 137,84		-5 137 490 797,48		16 911 195 932,09		-18 179 225 170,89		-9 790 699 174,09		-17 783 428 992,25	
4. Обеспеченность кредитов ресурсами с учетом поддержания остатка корсчета (30%) и отчислений в ФОР (15%, 12%, 10,5% от депозитов юр.лиц)	1 210 516 137,84		-5 137 579 187,65		14 113 644 337,03		-18 179 311 105,38		-9 790 699 174,09		-17 783 428 992,25	